Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | www.uzas.uz | 2018-yil 19-yanvar №4 (4454)

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЖАҲОН БАНКИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 18 январь куни Жаҳон банки бош ижрочи директори Кристалина Георгиева бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.*

Ушбу нуфузли халқаро молиявий институт делегацияси таркибига Жаҳон банкининг вице-президенти Сирил Мюллер, минтақавий директори Лилия Бурунчук, ижрочи директори Вернер Грубер ҳамда банкнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хидеки Мори ҳам киритилган.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, Ўзбекистон ва Жаҳон банки гуруҳи ўртасида мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқларида устувор инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган шериклик изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Ўтган йили Тошкент ва Нью-Йорк шаҳарларида банк раҳбарияти билан бўлиб ўтган очиқ ва амалий учрашувлар ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, уни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилгани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Жаҳон банкига 1992 йилда аъзо бўлган. Ўзаро ҳамкорликнинг ўтган даврида умумий қиймати 2,9 миллиард доллардан зиёд имтиёзли кредит маблағлари жалб қилинган ҳолда, 30 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди ва бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўл линиясининг қурилиши, энергетика ва саноат объектларида замонавий ва энергиятежамкор технологияларни жорий этиш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, аграр тармоқ салоҳиятини ошириш, сув ресурсларини бошқариш ва сув таъминотини яхшилаш, шошилинч тиббий ёрдам тизимини модернизация қилиш, таълим соҳасини такомиллаштириш ҳамда мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларини қамраб олган бошқа кўплаб лойиҳалар шулар жумласидан.

Учрашувда 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида шерикликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Жаҳон банкининг узоқ муддатли молиявий ресурсларини жалб қилган ҳолда инвестиция лойиҳаларини сифатли ва ўз вақтида тайёрлаш, уларни самарали амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, ижтимоий инфратузилма ва коммунал хўжаликни модернизация қилиш, молия секторини ривожлантириш, илғор технологиялар, давлат ва хусусий сектор шериклиги механизмларини жорий этиш, бизнесни қўллаб-қувватлаш соҳаларидаги лойиҳалар, тиббиёт ва таълимдаги дастурларни амалга ошириш ҳамкорликнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган.

Жаҳон банки бош ижрочи директори Кристалина Георгиева Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Жаҳон банки президенти Жим Ёнг Кимнинг эзгу тилакларини етказди.

Жаҳон банки вакиллари мамлакатимизда амалга оширилаётган, барча соҳа ва йўналишларни қамраб олган ислоҳот ва ўзгаришларнинг янги босқичига юксак баҳо бердилар. Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг узоқ истиқболга мўлжалланган барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, аҳоли фаровонлигини изчил оширишга мустаҳкам замин бўлаётгани таъкидланди.

Кристалина Георгиева Жаҳон банки устувор миллий ва минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси билан кенг миқёсли шерикликни янада кенгайтиришга тайёр эканини билдирди.

**ЎзА**

## БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ҲАР ТОМОНЛАМА МУНОСИБ НИШОНЛАНАДИ

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 17 январь куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича тайёргарлик ишларини самарали олиб бориш ва ушбу санани ҳар томонлама юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.*

Унда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, видеоконференция алоқа тизими орқали вилоят ҳокимлари, олий ўқув юртлари ректорлари, "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи ва бошқа жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда фаоллари иштирок этди.

Маълумки, шу йил 30 январь куни мустақил давлатимиз асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланади. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 ноябрда қабул қилинган қарори асосида юртимизда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Самарқанд шаҳрида Ислом Каримов мақбара мажмуаси, Қарши шаҳрида эса Биринчи Президентимиз хотирасига бағишлаб ҳайкал бунёд этилмоқда.

Шу билан бирга, Ислом Каримовнинг ғоят серқирра ҳаёти ва фаолиятини кенг тарғиб этиш бўйича кўплаб маданий-маърифий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Ўзбеккино" миллий агентлиги томонидан айни шу мавзуга бағишланган ҳужжатли фильм суратга олинмоқда. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан бир қанча илмий-оммабоп китоблар, жумладан, Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асари нашр этилмоқда. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси ва Ислом Каримов хайрия жамоат фонди томонидан ҳам бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Шунингдек, март ойида Самарқанд шаҳрида Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб халқаро илмий конференция ўтказиш ва бошқа муҳим тадбирлар бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг Президент сифатидаги бутун ҳаёти ва фаолиятини юртимизда янги давлат, янги жамият барпо этиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ўзбек номини, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этишдек улуғ мақсадга бағишлади. Халқимиз мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган улкан ўзгаришларни ҳақли равишда Биринчи Президентимиз номи билан боғлайди, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев.

Шунинг учун ҳам бу тарихий санани ҳар томонлама юксак даражада ўтказиш бизнинг ўз тарихимизга, мустақиллигимизга бўлган ҳурматимизни, халқ, миллат сифатидаги маданиятимиз ва маънавиятимизни намоён этиши, айнан шунга қараб дунё жамоатчилиги бизга баҳо беришига йиғилишда алоҳида эътибор қаратилди. Энг муҳими, бундай қутлуғ саналар ўз тарихимиз, миллий ўзлигимизни англашга, халқимиз, айниқса, ёшларимизни эл-юртимизга бутун борлиғини бериб, фидойилик кўрсатиб яшаган улуғ инсонларнинг ибратли фаолиятига ҳар томонлама муносиб этиб, уларнинг эзгу фазилатлари руҳида тарбиялашга хизмат қилиши қайд этилди.

Йиғилишда Бош вазир, юбилей ташкилий қўмитасининг раиси А.Арипов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов, Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси раҳбари Т.Ширинов, Қашқадарё вилояти ҳокими З.Рўзиев, Самарқанд вилояти ҳокими Т.Жўраев, Наманган вилояти ҳокими Х.Бозоров, Сурхондарё вилояти ҳокими Э.Турдимов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М.Ерниязовнинг ҳисоботлари эшитилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 80 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил қилиниб, асосий юбилей тадбирларини юксак даражада ўтказиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Юбилей кунларида барча таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, нуронийлар, турли соҳа мутахассислари иштирокида Биринчи Президентимиз хотирасига бағишланган учрашувларни мазмунли ва юқори савияда, таъсирчан руҳда, аниқ ҳаётий мисоллар асосида ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ барча маросим ва тадбирларни Биринчи Президентимизнинг Ватанимиз олдидаги унутилмас хизматларига ҳар томонлама муносиб ҳолда ўтказиш бизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир, деб таъкидлади пировардида давлатимиз раҳбари.

**ЎзА**

**Шодмонқул САЛОМ**

## ЮРАК. ВАТАН. ОНАЖОН!

**Кўриниб турган чироқ, яқин келоласанми,**
**Совқотиб турган юлдуз, ерга қўноласанми,**
**Шивирлаб турган дарахт, мен-ла кетоласанми,**
**Хумори босилган ой, энди ботоласанми?**

**Суякдан ўтаяпти, жонимга етаяпти,**
**Онажон кутаяпти, онажон кутаяпти.**

→ 3



## МУРУВВАТДАН ЭГИЛАР ТОҒЛАР

Давр ва тақдир

### Кеча

Аравачадаги аёлни бугун яна турмуш ўртоғи юқори қаватдан пастга олиб тушаяпти. Мана, ўн йилдан ошдики, ҳар куни бир бор аёлни эри аравачаси билан кўтариб кўчага олиб чиқади ва кечга томон яна шу ҳол такрорланади. Бунга барча қўшнилар кўникиб кетган. Илк бор кўраётганларнинг ажабланишига эса эркак парво қилмайди. Эр-хотин кулишиб, гурунглашиб йўлда давом этишади. Йўлакда араванинг олдинги оёқлари тошга тиралиб қолганда эри яна уни даст кўтариб ўтказиб қўяди.

— Онаси энди бугун қаёққа, — дея эркак ҳар доимги саволини беради.

— Бугун кечаги жойда семинар-тренингни давом эттиришим керак.

Эри такси тўхтатиб аёли билан машинага ўтиради...

### Бугун

Гулнозанинг янги уйга кўчиб келганига икки ойдан ошди. Аммо ҳамон қувончини яширолмайди. Эрталаб хуш кайфиятда уйғониб, кенг хоналарда аравачасини бемалол ҳаракатлантириб илк қиладиган иши деразаларни очиб хоналарни шамоллатиш. Кейин қишнинг ўртаси бўлишига қарамай яшнаб очилган гулларига салом беради. Ошхонага кириб бораркан, илк кундаги таассуротлари қайта-қайта жонланади. Ярақлаб турган газ плитаси, ўзи орзу қилгандек кумушранг музлаткич, барча шароитларга эга кенг ошхона. Ҳатто соғлом одамнинг бемалол ҳаракатланиши қийин бўлган бир хонали уйда яшаб ўтказган кунлари бир-бир кўз ўнгидан ўтади. Барча машаққатлари ортда қолганига шукр қилади.

— Сергели туманида Президентимиз ташаббуси билан кам таъминланган, ижтимоий кўмакка муҳтож, имконияти чекланган оилаларга имтиёзли кредит асосида уй қурилаётганини эшитиб 2016 йил октябрь ойида ҳужжат йиғиб топширдим, — дейди Гулноза Саидова. — Ўшанда Яшнаобод туман ҳокимиятидагилар менга "Беҳуда уринаяпсиз, ҳамма чиққан фармонлар ижро этилавермайди", дейишди. Масъул шахслар айтган бу гаплардан ажабланган бўлсам-да умидимни узмадим. Орадан бир йил ўтди. 2017 йил ноябрь ойида янги уйга кўчиб кирдим.

Унгача эса Гулноза Саидова бошидан турли ноҳақликларни ўтказди. Уч хонали уй берилиши ҳақида буйруқ чиққан куни масъул ходимлар унга атиги беш кун ичида бошланғич тўловни тўлаши шартлигини айтишади. Табиийки, у бор умиди — яшаб турган бир хонали уйни беш кунда сотолмасди. Гулноза яна умидсизликка тушди. Беш кун ичида пул тополмагач, барчасига қўл силтайди.

— Орадан икки ойлар чамаси вақт ўтгач, менга яна ҳокимликдан қўнғироқ қилишди, — дея эслайди ўша кунларни Гулноза. — Кейин билишимча, бизга беш кун эмас, икки ой муҳлат берилган экан. Ўша беш кунни ўйлаб топган ходимларнинг барчасини ишдан бўшатишибди. Ҳақиқат қарор топди. Менга яна икки ой муҳлатда бошланғич тўловни тўлашим учун ижозат беришди. Бир хонали уйимни сотиб бошланғич тўловни тўладим. Қолган пулимга уйим учун янги жиҳозлар сотиб олдим. Кайфиятим шу даражада кўтарилиб кетдики, ҳатто гилам, парда танлаш учун ўн йил деганда илк бор бозорга ўзим бордим. Ҳаётга қайтадан келгандек бўлдим. Юртбошимиз чиқарган фармон ва қарорлари ижроси назоратини олиб бораётгани халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

Давоми иккинчи саҳифада.

## ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ: МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАР

*Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йил 9 декабрда бўлиб ўтган Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида сув ресурслари чекланган минтақамизда деҳқончилик қилиш, мўл ва сифатли ҳосил олиш қанчалар оғир ва машаққатли эканини соҳанинг моҳир усталари жуда яхши билишини таъкидлаб, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга қаратилган тадбирлар давлат томонидан қўллаб-қувватланиб, ташаббускор хўжалик ва ташкилотларга қўшимча имтиёз ва преференциялар яратиб берилаётганига алоҳида эътибор қаратди. Бунинг натижасида қарийб 240 минг гектарда обиҳаётни тежовчи усуллар, жумладан, 28 минг гектар ерда томчилатиб суғориш усули жорий қилинган.*

Ирригация тармоқларини ривожлантириш ва суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилашга доир давлат дастурига мувофиқ, келгуси икки йилда 1 минг 86 километр узунликдаги каналлар бетонлаштирилади ва 661 километр бетон новлар янгидан ўрнатилади. Шунингдек, 109 та йирик гидротехник иншоотлар қурилади ва янги насос станциялари ўрнатилади. Ана шу тадбирлар натижасида 1,2 миллион гектар ернинг сув таъминоти яхшиланади. Йилига 1,7 миллиард куб метр сув тежалиб, 600 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Президентимиз мазкур нутқида хитойлик олимлар билан ҳамкорликда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида ғўза парваришини замонавий технологиялар асосида олиб бориш, Сурхондарё, Самарқанд ва бошқа вилоятларда томчилатиб суғориш усулларини кенг жорий этиш зарурлигига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Ана шу долзарб вазифалардан келиб чиқиб мушоҳада юритсак, бугунги кунда томчилатиб суғориш майдонларини 28 минг гектардан 500 минг гектаргача етказиш масаласи қўйилмоқда. Бу борадаги тажрибалар тарихига назар ташлаганда юртимизда томчилатиб суғоришни амалиётга татбиқ этиш бўйича ҳаракатлар олдин ҳам кўп бор олиб борилгани ойдинлашади. Масалан, 2011 – 2014 йилларда "Шўртангазкимё" мажмуасига қарашли масъулияти чекланган жамият бу тизимни Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида 50-100 гектарли ғўза майдонларида, Қорақалпоғистонда эса 50 гектар боғларда татбиқ этган. Шубҳасиз, янги тизимнинг афзалликлари намоён бўлиб, пахта ҳосилдорлиги гектарига камида 10 центнерга ошган, суғориш учун сарфланган сув миқдори эса ўртача тенг ярмига камайган.

Давоми иккинчи саҳифада.

# ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ: МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАР

**Бошланиши биринчи саҳифада.**

Уч йил ўтганидан сўнг томчилатиб суғориш тизими фермерларга бепул бериб кетилган. Афсуски, фермерлар суғориш ленталарини алмаштириш катта харажат талаб қилгани сабабли кейинчалик томчилатиб суғориш майдонларини камайтиришган. Сув етарли бўлгани учун улар аста-секин яна эгатлаб суғоришга қайтишган. Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида Гулнора Қосимова етакчилик қилаётган фермер хўжалигида Сув ресурсларини бошқариш халқаро институти томонидан 2015 йилда ер ости сувлари билан ғўзани томчилатиб суғориш бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳам бу усулнинг афзалликларини кўрсатган. Пахта ҳосилдорлиги гектарига 30 центнердан 45 центнерга кўтарилган, сув сарфи 8520 кубметрдан 4292 кубметргача камайган. Мазкур тадқиқотлар яхши самара бергани ва натижалар фермерлар орасида кенг тарғиб этилганига қарамай томчилатиб суғориш майдонлари ҳозирга қадар кутилган даражада кенгаймаяпти.

Боғлар ва токзорларни янги усулда суғоришда ҳам яхши самара олинганига қарамай айрим муаммолар йўқ эмас. Негаки, дастлабки уч йил мобайнида ёш кўчатлар мева бермайди ва бу даврда фермерлар сув насосларини электр энергияси билан таъминлаш харажатларини қоплашда қийинчиликка дуч келмоқда. Айни шу даврда кўчатлар орасига сабзавот-полиз эккан фермерлар эса харажатларни қоплаш имконига эга бўляпти.

Томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш тажрибаларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, фермерлар, асосан, сув танқислиги сабабли ғўза ва бошқа экинларнинг ҳосили кескин камайгани, обиҳаётни насослар ёрдамида етказишда электр энергия харажати фермер ҳисобидан қоплагани боис катта нишабликка эга ерларда эгатлаб суғоришга, ер унумдорлигига зарар етказадиган жойларда томчилатиб суғоришга мойил бўлишмоқда. Кўриниб турибдики, томчилаб суғориш тизимини, биринчи галда, татбиқ этиш учун табиий ва иқтисодий шароит бор, лекин бу жараёнда фермерлар ва ишлаб чиқарувчилар дуч келаётган муаммоларни ҳам назардан қочирмаслик зарур.

Бу муаммолардан бири томчилатиб суғориш майдонларини кенгайтиришдан манфаатдор фермерлар учун имтиёзли кредит ажратиш жараёни билан боғлиқ. Бугунги кунда имтиёзли кредитларни олиш катта вақт талаб этади, яъни бу жараён бир йилгача чўзилиши мумкин. Бу орада томчилатиб суғориш тизимини жорий этишнинг бозор нархи ва ажратилган маблағлар қиймати орасида фарқ пайдо бўлади. Натижада давлат томонидан ажратилган маблағнинг қиймати камаяди. Ҳиндистон шароитида шундай муаммога дуч келинганда бир неча штатда инновацион услуб тажрибадан ўтказилган. Бунда бутун жараён, яъни кредит олиш учун ариза топширишдан то уни олгунга қадар барча ишлар интернет орқали амалга оширилади. Бунинг натижасида ариза топшириш, уни кўриб чиқиш ва кредит ажратиш даври кескин қисқаради, кредит ажратишга салбий таъсир қилиши мумкин бўлган омиллар олди олинади. Кредит фермерга олдиндан тўловни амалга ошириш имконини туғдирадиган карточка сифатида берилади. Томчилатиб суғориш ускуналарини ўрнатиш учун тўловлар иш бажарилганидан сўнг амалга оширилиши, тизим сифатли ўрнатилишига шароит яратади. Бутун жараённи – ариза топширишдан кредит маблағининг ишлатилишига қадар интернет орқали назорат қилиш мумкин бўлади.

Бу тажриба боғлар ва токзорлар яратиш ёки сабзовот экинларини экиш учун фермерларга ер ажратиладиган даврда, айниқса, қўл келиши мумкин. Ер билан биргаликда фермерларга имтиёзли кредит ҳам ажратиш мумкин. Шу даврда фермерларнинг томчилатиб суғориш тизими бўйича махсус курсларда ўқиб сертификатга эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Мазкур тизимни самарали қўллаш учун малакали мутахассисларнинг ўз вақтида берадиган маслаҳатлари катта аҳамиятга эга. Бироқ вилоятларда бу тизимни лойиҳалаш, қуриш ва ишлатиш буйича мутахассислар етишмаслигини айтишга тўғри келади.

Томчилатиб суғориш тўғрисида гап борганда фермерлар, энг аввало, мазкур суғориш усули қиммат эканини қайд этишади. Республикамизда томчилатиб суғориш тизими бозори шаклланаётганига қарамай бу муаммо ҳали ҳам долзарб бўлиб турибди. Бир мисол: Тошкент вилоятида жойлашган "Eco Drip" МЧЖ ишлаб чиқараётган томчилатиб суғориш жиҳозлари замонавийлиги, хилма-хиллиги ва сифати билан ажралиб туради. Бир неча йил олдин корхона жиҳозларни четдан олиб келарди, ҳозир эса ўзида ишлаб чиқармоқда. Корхона маҳсулотлари таннархини пасайтириши учун ишлатиладиган хомашё, полиэтилен гранулалар декларация қилинган нархлар бўйича олинса мақсадга мувофиқ бўларди. Ҳозирча компания хомашёни биржадан олади ва натижада унинг маҳсулоти нархи бирмунча қиммат. Умуман олганда, "Eco Drip" МЧЖ ҳамда "Шўртангазкимё" мажмуасига қарашли масъулияти чекланган жамият биргаликда йилига 100 минг гектардан кўпроқ майдонга етадиган суғориш ленталарини ишлаб чиқариш қувватига эга. Шунга қарамай, бугунги кунда томчилатиб суғориш тизими ўрнатилаётган майдонлар камлигига мазкур корхоналарда малакали мутахассислар етишмаслиги, шунингдек, тизимни ўрнатишда қўлланадиган махсус ускуналарнинг камлиги сабаб бўлмоқда.

Айни чоғда фермерларга томчилаб суғориш тизимини жорий қилишда маслаҳат берадиган малакали мутахассисларга ҳам эҳтиёж катта. Махсус олий ўқув юртларида томчилатиб суғориш тизимини амалиётга жорий этиш масалаларига кам эътибор берилиши, мазкур тизим ускуналарини ишлаб чиқарувчи ташкилотлар билан ҳамкорликнинг сустлигини айтиб ўтиш зарур. Гидромелиорация соҳасидаги муҳандисларни тайёрлаш дастурлари, асосан, катта майдонларда янги ерларни ўзлаштириш даврида қўйилган талаблардан келиб чиқиб тузилган. Олий ўқув юртларини тугатаётган муҳандислар томчилатиб суғориш тизими ва бошқа сувни тежаш технологияларини амалиётда ўрнатиш ва ишлатиш савиясига, бинобарин тажрибасига ҳам эга эмас. Соҳага доир ўқув юртларини томчилатиб суғориш ленталари ишлаб чиқарадиган замонавий ускуналар билан таъминлаш максадга мувофиқ. Бунинг натижасида талабалар суғориш ленталарини ишлаб чиқариш жараёнида ҳамда уларни ўқув-тажриба хўжаликларида ўрнатиш ва ишлатишда қатнашишига имкон яратилади. Давр талаб этаётганидек, зироатчиликда сувни тежаш технологиялари, хусусан, томчилатиб суғориш бўйича мутахассислар тайёрлашнинг вақти келди.

Томчилатиб суғориш тизимини пахта майдонларида қўллашдаги муаммолардан яна бири бир вақтнинг ўзида чигит экиш, томчилатиб суғориш ленталари ва плёнка ётқизишга мўлжалланган экиш мосламаларининг етишмаслиги билан ҳам боғлиқ. Бугунги кунда бундай мослама фақат "Шўртангазкимё" мажмуасига қарашли масъулияти чекланган жамиятда, у ҳам бўлса атиги бир нусхагина мавжуд, холос. Экиш мавсумида битта шундай мослама билан атиги 100 гектарга яқин майдонга суғориш ленталари ётқизиш мумкин. Плёнкасиз суғориш ленталарини ётқизиш учун ишлатиладиган мосламалар эса бизда умуман йўқ. Андижон вилоятида мавжуд бўлган плёнка ётқизиш учун кенг қўлланиладиган қурилмаларга махсус мослама ўрнатиш орқали уларни лента ётқизишга мослаштириш ва шу мақсадда ишлатиш мумкин. Бундай мосламаларсиз бир йиллик экинларнинг томчилатиб суғориш майдонларини кенгайтириш жараёни мураккаб кечади.

Томчилатиб суғориш тизимини молиялаштириш манбалари ҳақида мушоҳада юритганда шуни айтиш жоизки, аввало, бундай манбалар турлича шаклда бўлиши мумкин. Давлатимиз раҳбари Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида "Пахтани етиштиришдан тортиб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган босқичларни ўз ичига қамраб олган кластер усулига биз Ўзбекистон пахтачилигининг келажаги сифатида қарамоқдамиз", деб таъкидлади. Кластер усулига ўтиш натижасида экинларни суғоришни ташкил қилишдан манфаатдор корхоналар томчилатиб суғориш тизимини ўрнатишни молиялаштириши мумкин. Улар ўзларига қарашли ҳамда қўшни фермерлар ерларида томчилатиб суғориш тизимини ўрнатиб беришни молиялаштириш эвазига қўшимча ҳосилга ёки тежалган сув захираларини ишлатиш имкониятига ҳам эга бўладилар.

Томчилатиб суғориш тизимини кенг татбиқ этиш мақсадида Мелиорация фонди ёки чет эл донорлари томонидан ажратиладиган имтиёзли кредитларни муайян ирригация тизимларига қарашли фермер хўжаликларига йўналтириш мақсадга мувофиқ. Натижада тежалган сув захираларини сув билан кам таъминланган ҳудудларга етказишга шароит яратилади. Бу тадбирни, айниқса, насослар ёрдамида сув билан таъминланадиган майдонлардан бошлаш катта самара беради.

Ишга инновацион жиҳатдан ёндошилганда фермерлар томчилатиб суғориш тизимини ўрнатиш эвазига тежалган сув захираларини ишлатиш рухсатини Мелиорация фондига ўтказиши мумкин. Агар Мелиорация фонди фермерларга томчилатиб суғориш тизимини сотиб олиш ва ўрнатиш учун кредит ажратиш имкониятига эга бўлса, сув хўжалиги ташкилотлари тежалган обиҳаёт захираларини сув билан кам таъминланган ҳудудларга ёки лалми ерларни суғоришга, гидроэнергетика ёки баликчиликни ривожлантиришга, экологик мақсадларга йўналтириши ҳам мумкин бўлади. Шу мақсадда томчилатиб суғориш тизими учун фонддан ажратиладиган сармоялар миқдорини кескин ошириш ва томчилатиб суғориш тизимини ўрнатишни тендер асосида ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

**Акмал КАРИМОВ,**
**техника фанлари номзоди,**
**Рустам ҚАРШИЕВ,**
**муҳандис-гидротехник**

ИЗОҲ:

***Кластер*** сўзи инглизча *"cluster"*дан олинган бўлиб, гуруҳ, тўп, тўпланган деган маъноларни англатади. Кластер гуруҳи – бир-бирига яқин, турдош, ўзаро боғланган ва бир-бирига алоқадор, ўзаро бирлашган корхоналар, ташкилотлар, компьютерлар, ҳатто юлдузлар ва галактикалар туркумини ҳам англатиши мумкин.

"Кластер" сўзини биринчи марта америкалик иқтисодчи, Гарвард бизнес мактабининг амалий маъмуриятчилик кафедраси профессори, рақобат табиатини ўрганиш бўйича мутахассис Майкл Южин Портер истеъмолга киритган. Унинг фикрича, "кластер" – жуғрофий жиҳатдан ўзаро қўшни ва бир-бирига алоқадор компаниялар гуруҳи бўлиб, муайян соҳа ва фаолиятлари умумийлиги ҳамда бир-бирини тўлдириши билан характерланади.

# УСТОЗ ЁДИ ҚАЛБИМИЗДА



Ўзбек адабиёти оғир жудоликка учради. 2018 йил 13 январь куни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофоти совриндори, атоқли адиб ва устоз таржимон Носир Фозилов 89 ёшида оламдан ўтди. Қалбимизда чуқур изтироб билан марҳумнинг оила аъзолари, ёру дўстларига ҳамдардлик билдирамиз, сабр тилаймиз.

Носир Фозилов 1929 йили Қозоғистоннинг Чимкент вилоятига қарашли Туркистон туманидаги Қориз қишлоғида таваллуд топди. Ота-онаси деҳқончилик билан шуғулланган, бобоси Турсунмуҳаммад Аълам "Ғурбатий" тахаллуси билан шеърлар ёзган, Камий, Хислат, Сидқий-Хондайлиқий билан ҳамнафас, ҳамфикр бўлиб ижод қилган зиёли, маърифатли инсон бўлган. Тошкентда унинг учта шеърий китоби чоп этилган.

Носир Фозиловнинг болалиги Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келиб, ўқишга кечикиб борди ва 1949 йилда, яъни йигирма ёшларида ўрта мактабни тугатди. 1949-1954 йилларда Ўрта Осиё Давлат университетида таҳсил олди. "Гулхан", "Шарқ юлдузи" каби журналларда, бадиий адабиёт нашриётларида турли лавозимларда хизмат қилди.

Адибнинг илк китоби 1959 йили "Ирмоқ" номи билан чоп қилинди. Шундан сўнг ёзувчининг "Оқим", "Қуш қаноти билан", "Қорхат", "Кўклам қиссалари", "Кичкина деманг бизни", "Дийдор", "Танланган асарлар"и, "Шум боланинг набиралари", "Мунаввар лаҳзалар", "Эсласанг кўнглинг ёришур", "Топдиму йўқотмадим" сингари китоблари чоп этилди.

Носир Фозилов таржимон сифатида, айниқса, самарали ижод қилди. Ш.Ҳусаиновнинг "Нурли тош", С.Муқоновнинг "Ҳаёт мактаби", "Чўпон ўғли", "Чўлоқ полвон", Б.Мустафиннинг "Қарағанда", Қ.Абдуқодировнинг "Ҳожимуқон", Ғ.Мусреповнинг "Қозоқ солдати", "Чўлқор", "Қирон қуш қўшиғи", М.Авезовнинг "Абай" каби роман, қисса, ҳикоя, пьесаларни она тилимизга ўгирди. Айни пайтда Н.Фозиловнинг ҳам рус, туркман ва қозоқ тилларида китоблари чоп этилган, асарлари арман, латиш, грузин, ҳинд, араб, озарбайжон тилларига таржима қилинган.

Адиб вафоти муносабати билан Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан йўлланган таъзияномада, жумладан, шундай дейилади: "Таниқли ёзувчи, таржимон, қардош ўзбек-қозоқ халқларининг бирдек фарзанди, Давлат мукофотлари совриндори, Халқаро "Алаш" адабий мукофотининг лауреати Носир Фозиловнинг вафоти муносабати билан чуқур қайғуда эканлигимизни билдириб, барча қозоқ ижодкорлари номидан таъзия изҳор этамиз. Носир Фозилов ўз ёзган асарлари билан икки халқ ўртасида руҳоний кўприк бўлиб, қозоқ ижодкорларининг ўттиздан зиёд китобини ўзбек тилига таржима қилди. Ўзининг асарлари ҳам қозоқ китобхонларига яхши таниш".

Носир Фозиловнинг адабиётимиз ривожи йўлидаги хизматлари муносиб тақдирланди. 1985 йилда "Шум боланинг набиралари" китоби учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ғафур Ғулом номидаги, 1986 йилда эса қозоқ адабиётидан қилган таржималари учун Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасининг Байимбет Майлин номидаги мукофотлар соҳиби бўлди. "Устозлар" асари учун унга Республика Давлат мукофоти берилди.

Адиб мустақиллик йилларида фаол ижод қилди. Ўзбек-қозоқ, ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқаларини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир Фозилов 1999 йили "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотланди. 2011 йили "Топдиму йўқотмадим" китоби учун Ўзбекистон Республикасининг адабиёт соҳасидаги Иккинчи даражали Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Устоз Носир Фозилов меҳрибон, оққўнгил ва фидойи инсон эди. У ижоди ва фаолияти билан жуда кўп ижодкорларнинг устози бўлган, ёшларнинг ижодда ўз йўлини топишида бевосита ғамхўрлик қилган эди.

Атоқли адиб, заҳматкаш таржимон, меҳрибон устоз, ғамхўр ва олижаноб инсон Носир Фозиловнинг ёрқин хотираси уни яхши билган ва ардоқлаган ёру дўстлари, минг-минглаб китобхонлар қалбида абадий яшайди.

**Бир гуруҳ дўстлари**

Давр ва тақдир

# МУРУВВАТДАН ЭГИЛАР ТОҒЛАР

**Бошланиши биринчи саҳифада.**

## Иқрор

— Одамзод ўтаётган кунига, ҳар бир дақиқасига шукр қилиш кераклигини мен оёқ ва қўлларим ўзимга бўйсунмай қўйгач англадим, — дейди Гулноза ўша оғир кунларини эсларкан. — 19 ёшли жиянимни йўқотиш мени қаттиқ руҳий изтиробга солган экан. 2006 йил мен микроинсультни бошимдан ўтказдим. Дастлаб умуман тўшакка михланиб қолдим. Ўшанда ўғлим Шоҳжаҳон 3-синфда ўқирди. Ёнимга келиб овқатимни едириб қўяётганида шу фарзандим учун яшашим кераклигини, тушкунликни бартараф этиш лозимлигини англадим. Адабиёт ўқитувчиси эмасманми, китоб мутолаасига муккамдан кетдим. Инсон иродасини чиниқтирадиган ўзбек ва рус тилидаги китобларни ўқиб, улардан руҳий қувват олдим. Саъдийнинг бир гапи бор:

**Дилинг куймасин ноумидлик билан,**
**Ёруғ кун туғилгай қаро кечадан...**

* * *

Бир пайтлар у эрталабдан кечгача тиним билмасди. Ҳали ишхонасига югурарди, тушлик пайти бирров уйга келиб фарзандига тушлик тайёрлаб яна ишга чопарди. Кечқурун ҳам уйга шамолдек елиб келарди. Унинг шошиб-пишиб юрганини кўрганлар баъзида: "Сен ҳам сира дам оласанми, қачон қараса югурганинг-югурган", деб сўрашарди. У эса: "Одамга қўл-оёқ нима учун берилган, ахир. Югуриб-елиб ишламасак, олдимизга қўйган мақсадга эришмасак, нима қилиб юрибмиз", деб жавоб берарди.

Ўқувчилик даврида синф сардори бўлган бу чаққон, тиниб-тинчимас қизни институтда ҳам гуруҳ сардори этиб сайлашди. Хоразмнинг Урганч шаҳрида туғилган Гулноза Саидова ана шундай тиниб-тинчимаслиги, ташаббускорлиги билан барчанинг ҳавасини келтирарди...

Кечагина елиб-югуриб юрган аёлнинг тўшакка михланиб қолишини тасаввур қилиш жуда оғир. Аммо сабр-бардошли Гулноза ўғли Шоҳжаҳон учун ҳам яшаши кераклигини англади, яшаганда ҳам фарзанди ўзини бахтли ҳис қилиши учун ҳам куч топа билди. 2007 йил илк бор "Ногирон ишбилармон аёллар уюшмаси"га аравачада кириб борганида ушбу масканнинг директори "Аравачада ниманиям эплай олардингиз", деганди. Ўшанда... ўшанда Гулноза ўзига ўхшаган аравачадаги аёлнинг нега бундай саволни берганига тушунмади.

Кейинчалик англагани шу бўлдики, опа унинг иродасини синаш учун, руҳи озорланадими, йўқми, билиш учун шу гапни айтган экан. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан Гулноза ушбу масканнинг энг фаол аъзоларидан бирига айланди. Маънавий-маърифий тадбирлар бўйича масъул ходим сифатида турли учрашувлар, тадбирлар уюштирди. Республикамизнинг барча вилоятларида кўргазмалар ташкил қилиш, семинар-тренинглар ўтказиш орқали кўпчиликка руҳий далда бўлди, ҳаётга бошқача кўз билан қарашни ўргатди. Шу пайтгача 15 нафар шогирдига тўқиш ва бисердан турли тақинчоқлар, шакллар ясаш сирларини ўргатиб келмоқда.



— Инсон қўллари сеҳрли. Дастлаб микроинсултни бошимдан ўтказдим. Унинг ёнига полиартрит хасталиги қўшилди. Жонсиз қўлларимга қараб нимадир қила олишимга ишонмагандим. Мана, кўриб турганингиздек шу қўлларим билан тўқийман, мунчоқ тизаман.

## Эътироф

— Гулноза ва унинг оиласи бизнинг фахримиз, — дейди "Бунёдкор" маҳалласида истиқомат қилувчи Нодира исмли аёл. — "Ҳовли олма, қўшни ол" дейишган. Ташаббускорлиги, ғайрати билан барчамизга ўрнак. Танишганимизнинг илк кунида "Баҳорда сумалакни бизникида соламиз", деганида қалби эзгуликка лиммо-лим аёлни барчамиз бирдек ёқтириб қолгандик. Гулнозанинг турмуш ўртоғи Отабек Усановнинг сабр-қаноати ва бардошига қойил қолса арзийди. Биз уларнинг аҳиллигини кўпгина оилаларга ибрат қилиб келтирамиз.

## Йўқотиш

— Инсон нима учун дунёга келганини англаб яшаши керак экан, — дейди Гулноза. — Баъзида етти мучаси соғ одамларнинг нолиётганини кўрсам, саломатликдан ҳам катта бойлик йўқ эканини қайта-қайта таъкидлагим келади. Мен ҳам югуриб-елиб юрганимда ҳеч қачон ҳаётнинг, соғлиқнинг қадрига етмаганман. Арзимаган нарсалардан кўнглим тўлмасди, ўзимни ўтга-чўққа урардим.

Унгача, яъни 2009 — 2010 йиллари Гулнозанинг қўл ва оёқ ҳаракатлари аслига қайта бошлаган, у ҳатто икки йил қўлтиқтаёқда юриб, кетма-кет Хоразм вилоятининг туман ва қишлоқларида жисмоний имконияти чекланган ногирон йигит-қизларнинг жамиятга мослашувига доир семинар-тренинглар ўтказганди. Онасидан айрилган Гулнозани яна руҳий изтироблар исканжага олди. Аммо 5-6 ойдан буёғига яна қўлтиқтаёқда юролмасада, аравачада ўтирололадиган ҳолатга келди.

— Мен ўзимни барча қатори ҳис қиламан ва бунга тўла ҳаққим бор, — дейди у суҳбатларимизнинг бирида. — Бошқалар қатори давлат ишида ишлай олсам, етти мучаси соғ баъзи аёллар уйида бекорчиликдан зерикиб ўтирганида мен тадбирма-тадбир юрсам, ҳамма қатори меҳмон кутиб-кузатолсам, гарчи қўл ҳаракатларим ўзимга бўйсунмаса-да, майда мунчоқлардан турли нарсалар ясолсам, чучвара букиб манти туголсам, айтинг-чи, менинг бошқалардан қаерим кам?

## Эртага

У яна югуриб, гўёки шамолдек елиб кетаяпти. Ҳайқириб: «Одамлар, мен юраяпман, мен югураяпман» дейди...

Унинг тушига тез-тез елиб-югуриб юрган дамлари киради. Аммо уйғонгач... Барибир хафа бўлмайди. Ўтаётган ҳар бир кунига, ҳаётда ўз ўрнини топганига, ўғлининг, турмуш ўртоғининг ёнидалигига шукр қилади...

Эшик тақиллаяпти. Бир қўлида ширинлик кўтариб кирган қўшниси Гулноза билан қучоқлашиб кўришади. Бирпас ҳангома қилишади.

— Келаси ҳафта йўлагимиздаги келинлар билан шанбалигимиз бор-а, — дея эслатади уни кузатаркан Гулноза.

Ҳа, айтганча, Гулнозани ўзи яшаётган уйнинг ободонлаштириш ишларига бош-қош қилиб қўйишган.

— Шундай обод мавзеда яшаётган эканман, унинг кўркамлигига ҳар қанча ҳисса қўшсам арзийди, — дейди Гулноза.— Уй қурилиб битгунича бу ерга бир неча бор келдим. Ҳатто қурувчилар қурилишда ишлатаётган ғиштлар, қўядиган эшик-деразаларининг намуналари билан бизни таништиришди. Яқиндагина ҳамма жойи тупроқ бўлган маҳалламизни кўриб кўзингиз қувнайди. Йўлда гувоҳи бўлганингиздек, янги қурилган болалар майдончалари, сув ҳавзалари, саранжом-саришта манзарали дарахтлар экилган майдонлар... буларнинг барчаси биз учун жуда катта имконият, шароит, ғамхўрлик.

Бу уйда яшай бошлаганимдан кейин менда янги ғоялар, куч-қувват пайдо бўлди. Ногирон фарзандлари бор оналар мактабини ташкил қилмоқчиман. Чунки бундай оналарга, аввало, бизга ўхшаган одамларнинг кўмаги жуда зарур. Кейин маҳалламиз қошида имконияти чекланганлар учун тўгараклар очмоқчиман. Ушбу тўгаракларга эса ўзим тренингларда ўқитган ёшларни раҳбар қилиб қўймоқчиман. Шунда улар ҳам иш билан таъминланади.

Дарҳақиқат, бу ниятни амалга ошириш учун Гулнозада етарли салоҳият ва тажриба бор. Япониянинг "Жайка" халқаро ташкилоти ташаббуси билан ўтган йили Тошкент шаҳрида ўтказилган "Имконияти чекланган кишиларни мустақил яшашга ўргатиш", БМТ ташкилоти томонидан ўтказилган "Ногиронлар билан ишлаш лойиҳаси" асосида Хоразм ва Фарғона вилоятларида "Тренерлар тайёрлаш" мавзусида семинар-тренингларда қатнашиб сертификатга эга бўлди.

— Биласизми, мен тез-тез психологик марказларга бораман. Ўзим психологияга қизиқаман, қолаверса, руҳий оламимни бойитгим келади, — дейди суҳбат якунида қаҳрамонимиз. — Баъзида имконияти чекланган инсонлар билан танишаман. Ишонасизми, етти мучаси соғ одамлар ирода, қатъиятимизни кўриб биздан куч оладилар ва ўзларидаги муаммоларга ечим топадилар.

* * *

У тушларининг ўнгидан келишига ишонади. Оёқ-қўллари ўзига бўйсунмаса-да, иродасини бўйсундира олган Гулноза Саидова бугун ҳамманинг ҳурматига арзийдиган инсон. Зеро, бардошлига тоғлар эгар бошини, деб бежиз айтишмаган. Чунки унинг эртага қилиши керак бўлган ишлари кўп, жудаям кўп. Яқинда бўладиган кўргазмага тайёрланиши, бисерда тўқиладиган гуллар ва дарахтлар сонини кўпайтириши, Хоразмдан келадиган меҳмонлар учун ўз қўллари билан таом тайёрлаши, қўшнининг чақалоғи учун тўқишни бошлаган кўйлакчани охирига етказиши керак. Буларнинг барчасига эса, у, албатта, улгуради.

**Барно СУЛТОНОВА**

Шодмонқул САЛОМ

# ЮРАК. ВАТАН. ОНАЖОН!



## СОҒИНЧ

Кўриниб турган чироқ, яқин келоласанми,
Совқотиб турган юлдуз, ерга қўноласанми,
Шивирлаб турган дарахт, мен-ла кетоласанми,
Хумори босилган ой, энди ботоласанми?
Суякдан ўтаяпти, жонимга етаяпти,
Онажон кутаяпти, онажон кутаяпти.

Шарқираб турган сойнинг товуши тунни кесган,
Сув лабида бир неча ялпиз қўшиқдай ўсган,
Унинг дийдори билан менинг ўртамни тўсган,
Ё бир шоир юракли қадам чалкашиб босган
Бир из инграб турибди, йўлим тугамаяпти,
Отажон кутаяпти, отажон кутаяпти.

Кўзи тиниб борар ер — нурга бошқоронғу тул,
Қаро тўлқин тўшида қайиқдай чайқалар ул,
Бир япроқнинг додидан қадаҳ суниб ичар дил,
Кўксимга тумшуқ уриб бўғзин най қилган булбул,
Сенинг оҳингдан кўкда Тангри ғам ютаяпти,
Оғажон кутаяпти, оғажон кутаяпти.

Бормоқчи эмас эдим, куттирмоқчимас эдим,
Адо дилга яна қон юттирмоқчимас эдим,
Қўл узатган умидни ситтирмоқчимас эдим,
Иккинчи ҳаётимни биттирмоқчимас эдим,
Билиб-билмай йўл тортдим, бардошим битаяпти,
Ёрижон кутаяпти, ёрижон кутаяпти.

Сўнгги баргдай титраган, орзулари қаварган,
Бир қатим нурни дилга қарз олмиш бир заргардан,
Озон қатламларидан келгувчи хушхабардан,
Сўз сўраб маҳтал турдим бир бемеҳр дилбардан,
Томчидек «тиқ-тиқ» этиб бепарво ўтаяпти,
Уйимда эса мени улижон кутаяпти.

Баҳорни туш кўрган гул бармоқларин силайман,
Осмондек нигоҳидан тоза ният илғайман,
Йўлакка умид эккан кўзларини тинглайман,
Эзгу чизиқли кафтин тоза шеърдай англайман.
«Уйингга кетмайсанми?» — дилижон* кутаяпти,
Манзилимда мени бир дилижон кутаяпти.
Бир сўз инграб турибди, йўлим тугамаяпти.

## ОРЗУ

Бўлмасайди, бу оламда бари ўткинчи*,
Бўлмасайди, муҳаббатга айролиқ жавоб.
Бўлмасайди, қарилик, хасталик, ўлим,
Келмасайди азобларнинг ортидан азоб.

Юрмасайди соясига эргашиб одам,
Гиёҳларнинг куйлаганин тушунса равон.
Бўлмасайди, ибодатда риё ва макр,
Таҳрир этилавермаса Ҳақ чеккан фармон.

Деразадан қараб турган қизалоқ каби
Ё ёмғирда титраётган ёлғиз барг мисол,
Нигоҳларда ниҳон бўлган туйғулар ҳаққи,
Юрак ва йўл ўртасида бўлмаса даллол.

Шодон қайттач эҳромларнинг зиёратидан,
Ўз қабрига гул кўтариб боролса эди.
Маймунними томоша қип қафас ортидан
Аслида ким қафасбанддир — билолса эди.

Чуқур-чуқур хўрсинишни ўрганса эди,
Кўзёшлари юрагига етиб боролса.
Фақатгина онажони ўлмаса эди!
Болаликнинг даргоҳига яна боролса.

Қўрқмасайди ўзи билан ёлғиз қолишга,
Тангрисидан хабар олиб туролса эди.
Йўқлигидан надоматлар келса ортидан,
Борлигидан гоҳ-гоҳида уялса эди.

Ва кўнсайди... (кўнган билан кошки иш битса?)
Йўқ, кўнмаса... (кўнмаганга яна ҳам оғир.)
Ҳа, тушунса, яшаш — азоб, ҳеч роҳат эмас!
Ҳа, англаса — таскин майи зарур ва тахир.
Анчагина бахтли бўлар эди одамзод.

## ШОИР

Бу дунёда шоирлар — чаппа келган қўзидир,
Туғилмоқ, ўлмоқ аро оламларга сиғмайди.
Унинг онаси — Армон, Соғинч унинг қизидир,
Муҳтожлиги — юқумли, истеъдоди юқмайди.

Изтироби юқмайди, палак отмас қайғуси,
Қувончи ўртададир, ўртададир ўзи ҳам.
Гўзаллик — муҳаббатнинг бахтиқаро чўриси,
Шу бахтсизнинг беадоқ ғамига улар малҳам.

Шоир бир бор туғилар, бир бор ўлади шоир,
Ранглар, оҳанглар аро силқиб турар ёлғиз жон.
Ватанни қалбда бунёд этмоқлик унга тақдир,
Сени яхши кўраман, Юрак — Ватан — Онажон!

* * *

Аста-аста оқаради тонг,
Аста-аста бўйлайди қуёш.
Аста-аста соч йиғар хаёл,
Аста-аста кўтарилар бош.

Аста-аста ташланар қадам,
Аста-аста бошланар кураш.
Аста-аста хўрсинар одам,
Аста-аста чарчайди яшаш.

Аста-аста силтанади қўл,
Аста-аста кемтилар юрак.
Аста-аста уйдан қочар йўл,
Аста-аста маст бўлар эркак.

Аста-аста зулфга оқ инар,
Аста-аста ёқалари ҳўл.
Аёл юзи тонгдай оқарар
Яноғида музлаб ётар сел.

Аста-аста эснайди юрак,
Аста-аста зўраяр шамол.
Изоҳлолмас, жим юрар эркак,
Изоҳ сўрмас жим юрар аёл.
Аста-аста...

* * *

Ойнинг телба бўлиб тўлишини кўр,
Кечанинг боримни олишини кўр.
Сенга таваллолар этмоқ истасам,
Жонимнинг бўғзимга келишини кўр.

Тикил, кўз узмагил учган юлдуздан,
Ғарам-ғарам ғусса йиққан кундуздан,
Кутганим шулмиди, СЕНдан ва СИЗдан
Секин аста кўнгил қолишини кўр.

Қуш бўлсанг, иссиқ юрт томон ўтгувчи,
Булутлар тўшига йиғлаб кетгувчи,
Қайтиб чиқмайдиган ойдек ботгувчи,
Юракнинг ҳам тили бўлишини кўр.

Бир боқса, оламнинг гуноҳин тўкиб,
Боқмаса, ҳажрига дунёлар чўкиб,
Қаноти ҳўл қушдай бағримни чўқиб,
Жонни томчи-томчи олишини кўр.

Товонлари ёниб, елкаси музлаб,
Исмин ўзи билмас, бир юпанч излаб,
Гапириниб, қайтариб, ўзига сўзлаб,
Бу сирни ҳамманинг билишини кўр.

Кулгуми, йиғими — бўғзин тўлдирган,
Қараб, чидаб бўлмас — дунё юз бурган.
Оғир ингроғидан ўзин сездирган,
Қорга ботган тошми — болишини кўр.

Ойнинг беҳудага тўлишини кўр.

* * *

Тангрим, мени «йўқ» де сўраганларга,
Манзилимни ўчир юракларидан.
Туш кўргандай бўлсин бул қари морбоз,
Сира кўринмайин истакларида.

Йўқ, қўл силтамадим, тушундим холос,
Асли эрта чиқди менинг саводим.
Бунча кўнгли нозик кўнгил бергансан!
Руҳимнинг тақвосин бузди ҳаётим.

Тангрим, караминг кенг, қаттиқ яширгин,
Одам бўйи етмас жойларинг бор-ку.
Қушларнинг тушига бекиттин мени,
Ваъдангда туғилмай яшаш ҳам бор-ку!

Юрагим совқотди, назар қил, Эгам,
Сўраганимни бер, сўрмагандан қўрқ!
Устимни ёпиб қўй, очилмас қилиб,
Биласан — устимни очгилиги йўқ!

**Дилижон — улов маъносида.*
**Ушбу сатр «Панчатантра» эпосидан олинган.*

*Илоҳи, Одам хилофот тахтининг муставжиби ўзиму бўлди,*
*сенинг тақдиринг бўлмай шайтон мухолифатининг сўзиму бўлди?..*

**Алишер НАВОИЙ. "Муножот".**

Шойим БЎТАЕВ

# ЁРҚИН ЮЛДУЗЛАР

Ҳикоя



У ўша эски темир дарвоза ёнида эди. "Тезроқ боракол! — Пешонасида онасининг илиқ нафасини ҳис этди. — Йўлни ёпиб қўйишмасин тағин".

Унинг юраги орқага тортиб кетди — чўнтакларини пайпаслади, паспорти йўқ эди!

Бу фожиа, энди на у ёққа, на бу ёққа ўта олади — чегарада ушлаб олишса, қамоққа тиқишади, ота-онасидан ҳам, бола-чақасидан ҳам ажралади. Энди нима қиламан, деган даҳшатли хаёлда бақириб юборди-ю, уйғониб кетди.

Хайрият, туши экан — шунақаям ваҳимали бўладими?!

Бир зум қаердалигини фаҳмлолмай, учаётган ёноқлари-ю мушаклари қалтирашини босолмай ётди. Юраги "гурс-гурс" урганича қинидан чиқиб кетай дерди. Беихтиёр пешонасини ушлади — илиқ нам — волида нафасининг нуқси.

У ўзини ўнглаганида, ўз уйи — Юнусобод мавзесидаги беш қаватли уйнинг учинчи қаватида эканини билди-ю, шукронасига хайрият-э, дея ёнидаги тумбочка томон узаниб, қўл телефонини олиб қаради — соат роппа-роса уч! Ҳар галгидек... Ҳар гал шу — айнан мана шу вақтда уйғониб кетади ва кейин ҳарчанд уринмасин, кипригига уйқу инмай, ухлолмай ётади — қизини турмушга узатишда бир-икки кўнгилсиз ҳодиса, кўча гапи ўтиб эди, ўша-ўша бу бедорлик унга ҳамроҳ! Мана энди, чамаси қизи ҳам тинчиб, ўзи билан ўзи бўлиб кетди-ю, аммо у... Яна, қулоғиям шанғиллайди — коинот товушлари.

— Ухланг энди, эрталаб ишга туролмайсиз, — деди уйқусираган овозда терс томонга ағдарилган хотини ғингшиётгандек — уям ҳар тунда, худди шу вақтда шу гапни айтишни ғайришуурий равишда одатга айлантириб олгандек.

У индамади. Ташқарига қулоқ тутди. Деразанинг тепадаги очиқ дарчасидан қоп-қоронғи осмон бағрига сочилган юлдузларга боқди. Салоҳиятли олим, улкан дониш эгаси эса-да, марҳумларнинг юлдузларга айланиб қолишлари ҳақида Увоқнинг бўз қирида тенг-тўш болалар билан қилган гурунглари худди кечагидек хаёлидан ўтди.

Унинг отамакон қишлоғи Увоқ бу ердан узоғи билан икки юз километр. Эрталаб йўлга тушиб, кечгача қайтиб келса бўлади. Авваллари у шунақа қиларди. Аммо энди бунинг иложи йўқ. Тақдир тақозоси, қишлоғи қўшни давлат ҳудудида қолиб кетган. Онасини тупроққа топшириб келгач, беш йилдирки, у ёққа боргани йўқ.

У кўзини юмди. Ота-онаси ҳозиргина тирик ҳолда, энди нима қиласан, дегандек бир сўз демай унга маъюс тикилиб туришгани хаёлини тарк этмас, юрагининг безовта уриши босилмасди. У қимир этмай ётаркан, тушида кўрган манзарани хаёлида тиклаб, уни энди болалик хотиралари билан тўлдириб ширин хаёлларга эврилтира бошлади.

* * *

Туркистон тизмаси узоқдан осмонга тиғ санчган қоялардан иборат бўлиб кўринса-да, унинг этагида сочилган, бағридан жой олган қишлоқлар сон-саноқсиз.

Увоқ ўшаларнинг биттаси.

Номи шунақа бўлгани билан, ўзи увоқчалик кичкина эмас. Эрталаб пода чиққанда подачи бўрибосари билан уни базўр эплайди, кечқурун қайтганда ҳаммаёқни тўзон қоплайди.

Баҳаво жой. Аммо одамзоднинг тириклиги фақат ҳаво билан бўлмаскан. Шунинг учун қишлоқ аҳлининг кўпчилиги ҳар ёққа сочилиб кетган, ўзини барибир увоқликман, деб атайди.

Увоқда ўн йиллик мактаб бор. Бу йил уни ҳар йилгидан кўп, икки синфда қирқ олти ўғил-қиз битириб, қўлларига аттестат олишди. Қизлардан бирортасиям ўқишга бориши ҳақида гап-сўз бўлгани йўқ. Ўғил болаларнинг кўпи Ўратепадаги ПТУдан келган вакилга исм-фамилияларини ёздириб юборишган. Аммо Шокарим қишлоқ хўжалиги институтига кираман, деб қатъий аҳд қилган. Синф раҳбари Ўлмас муаллим бунга ишонч ҳосил қилгач, барча фанлардан аттестатига талашиб-тортишиб "беш" баҳо қўйдириб бериб, институтдан бошқа жойга бунақа аттестат ҳайф, деган.

Шунча гапдан кейин бир амаллаб институтга кирмаса бўлмайди.

У ўз мақсадини ота-онасига айтганида, онаси Хўжандга боракол, йўлиям яқин, ҳафтада бориб-келаверасан, деди. Аммо Шокарим айтган институт Хўжандда йўқ. Отаси эса, қайси ўқишга кириш кераклигини тўғри танлабсан, ўқисанг шунга ўқи, битириб келсанг ўзимизга раис бўласан, дея болишни ўмровига тортиб ёнбошларкан, шопиёладан кўк чойни ҳўриллатиб ҳўплаганича ўзиям қандайдир ширин орзуларга берилиб кетди — ўғли хўжалик раиси бўлганида керилиб-кариллаб юрадиганлар оёғи остида қандай пойпатак бўлишлари кўз ўнгидан ўтди. Шу хаёлда, у Шокаримга Душанбега боришни, нимаики бўлмасин пойтахт шаҳарда ўқиш дуруст эканлиги ҳақида сўз очаётувди, онаси дарҳол қовоқ-тумшуғини осиб олди. Унинг бунақа қилиши бежиз эмас, Душанбе пойтахт бўлгани билан йўли чап, Хўжанд орқали самолётда борилар, тоғ йўли эса ўша маҳалларда пулсирот каби ўтиш қийин жойлар бўлгани учун машина қатнайвермас, жонини хатарга қўйиб бормоқчи бўлганлар отасининг нархини айтиб, ҳар қанақа бойвачча йўловчини ҳам ҳуркитиб юборишарди. Тоғ йўлидан кўра Душанбега ҳам Хўжанд ёки Тошкент орқали самолётда бориш маъқул эди.

Шокаримнинг, унга қўшилиб ота-онасининг боши қотиб турганида, Боёвутдан тоғаси қишлоққа келиб, тўғри уларникига тушди. Унинг ота уйига бормай, уларникига келиши беҳуда бўлмай, ҳозирда ота чироғини ёқиб ўтирган укаси билан бир вақтлар ораларидан ўтган оламушук сабабли ундан араз эди. Шунданмикан, қаттиқроқ товуш берса эшитиладиган Боёвутдан ҳадеганда чиқавермас, дунёнинг нариги ёғига кетган каби йиллар ўтиб бир қора бериб қўярди.

Увоқ билан Боёвут ораси кўп ҳам узоқ эмас. Ўратепага тушиб, автобусга ўтирилса ярим соатда Ховосга элтиб қўяди. Ундан у ёғига яна ғиз-ғиз автобуслар қатнаб туради, ўн-ўн беш минутлик йўл.

Тоғасининг оғзи қулоғида, бостириб келаётган кулгусини яширишга уринаётгандек оғзини кафти билан тўсганча бармоқлари учида мўйловини бураб-бураб, икки гапнинг бирида, борларингга шукр, борларингга шукр, деб қўяр эди.

Қўни-қўшни, қавму қариндошлар уларникига дувва-дувва ёприлиб келишди ва Шокаримнинг онасини акагинаси билан дийдорлашувини муборакбод этишди.

— Ота ўрнида ҳам, она ўрнида ҳам шу акамда, — дер эди онаси остона ҳатлаб келганларга.

Шокаримнинг отаси қайнисининг оёғи остига қўй суйди.

Онаси ташида суюнган кўринса-да, унинг ичини қандайдир дард ўртаётгани, кўнгли хуфтон эканлигини синчи одам дарров билиб олар эди — негаки, у ўқтин-ўқтин кўча эшигига умидворлик билан қараб-қараб қўярди.

Кеч кирди. Бирров бош суқиб, дийдорлашганлар тарқади. Тўрт-беш яқинлар қолишиб, ерсупада солинган дастурхон атрофига кўр тўкишди. Кундузи суйилган қўй гўшти қовурдоғи теварак-атрофга ёқимли ҳид таратди.

— Хўш, хўш! — деб қўяр эди Шокаримнинг тоғаси ўртадаги катта сопол товоққа энкайиб ўзи томон суриб қўйилаётган гўштлардан олар экан. — Ўзимизнинг тоғларнинг ўт-ўланини егандан кейин шунақа мазали бўлади-да!

Унинг бу эътирофини бошқалар бош ирғаб маъқуллашар, Боёвутда пахта қандай бўлгани, у ҳануз пахта заводида ишлаяптими-йўқми, ойлиги қанақа — шулар ҳақида қизиқиб сўрашарди. Тоғанинг сўз оҳангидан ўз ишидан мамнун эканлиги кўринар эди. У ёқда таппи-тезакни одамлар билишмасмиш, қудуқдан сув тортиб олишмасмиш, ҳаммаёқда газ, водопровод эмиш.

— Уйларни ҳам газ иситиб берадими? — деб сўради Увоқдан ташқари чиқмаган Шоймқул подачи, унинг ажабсиниш зуҳур этган қиёфасидан сўраган нарсасини ҳақиқатдан ҳам тасаввур этолмаслиги кўринар эди.

— Ҳа, шунақа, — деди Шокаримнинг тоғаси ва газ билан уй иситиш қанақа бўлишини тушунтириб берган бўлди.

— Ҳузур экан-да, — деб қўйди Шоймқул бу ишни барибир бовар этолмай.

Тоға бу ҳақда бошқа гап очмади. Аммо тоғ қишлоқларида ошиб-тошиб ётган иш кучи Мирзачўлга кўчиб боришаётгани, у ерда зоминлик ва бахмалликлар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетишганини айтди.

— Ҳў-ўв қирдан ўтилса Зомин-да, — деди Шокаримнинг отаси қўли билан қоронғилик бағрига мавҳум ишора қилиб.

— Бари шу тоғнинг кийиги, — деди Шокаримнинг тоғасига далда бераётгандек қўшни Абдурайим бобо. — Айланиб-айланиб ўз жойига қайтаверади.

— Қаерда бўлсаям тинч бўлишсин, — дея бошқаси гапни илиб кетди.

Шу тариқа гангур-гунгур ой ёруғида анча гурунг қилишди. Кейин, меҳмон эртага бизникига, индинга бизникига деб, режа тузиб олишгач, дуога кафт очишди ва тарқашди.

Айниқса, Шоймқул подачи зиёфатдан жуда мамнун бўлиб, хайр-маъзурга чиққан Шокаримнинг онасига, подани сизга хоҳлаган пайтингизда ёткизиб бераман, қишлик таппи-тезагингизни ғамлаб оласиз, деб ваъда берди. Унинг бу гапидан Шокаримнинг онаси жуда мамнун бўлиб, Шоймқулни ҳатто Шоймбек деб юборди ва тўхтаб туринг, деганича изига қайтиб уйдан бир зумда иккита нон кўтариб чиқиб, қўярда-қўймай уни подачига тутқазди. Шоймқул деворга суяб қўйган ирғай таёғини қўлига олиб раҳмат айтди ва бизники узоқроқда, йўлда ҳамроҳ бўлади, деб нонларни қўлтиғига қистирди.

Эртаси эрталаб, пода далага чиқиб кетганидан сўнг тоғаси, онаси ва Шокарим тепаликдан қиялаб тушган йўлда қора беришди. Улар қабристон томон кетишмоқда эди. Қир ёнбағрида қизалоқлар тўптош ўйнашар, ўғил болалар эса кечгача қиладиган ишларининг аниқ режасини белгилаб олишгандек ғайрат билан ланка тепишарди.

— Тушимга раҳматли онам кирди, — бир-икки қадам ортда келаётган Шокарим тоғасининг ҳазин овозини эшитди. — Жуда қариб, ҳолдан тойиб қолган экан. Тириклигида-да ҳеч бунақа аҳволда кўрмовдим-а.

Тоғаси гапирган сайин онаси дастрўмолчаси билан дам-бадам кўзёшларини артиб оларди.

Пастда, йўл бўйидаги кенг сайҳонликда қабристон жойлашганди. Озгина юрилса, яна бошқа тепалик келар эди. Ўша тепаликда, қабристоннинг нариги томонидаги девори бурчагида кун иссиқ эканига, ҳали яна қизиб кетишига қарамай, узун чопон кийган бир киши қоққан қозиқдек қимир этмай турарди.

— Ака, чопон берсам бўларкан, — Шокаримнинг онасини нигоҳи ўша қорани илғагач, талмовсиранганча қўшиб қўйди: — Униям чақирайми?

— Индама, — тоғаси ҳам қирдаги қорани кўриб танигач, овозидаги ҳазинлик қайгадир ғойиб бўлди-ю, энди тўсатдан қаҳрли тус олди. — Қачонгача бунақа ўзини олиб қочиб юради, ўзи келса келар, йўқса индама. Мен катта бўлсам, қаёқлардан келсаму...акани ака ўрнида кўрай ҳам демайди-я!

— Ахир сиз ҳам...

— Нима мен, нима мен? — Шокаримнинг тоғаси оғзидан бол томганча, борларингга шукр, борларингга шукр, дея кечаги хушнуд мўйлов силаганларини ҳам, онасини тушда кўрганини айтиб ҳозиргина мутаассир бўлиб турганини ҳам дарров эсдан чиқарди-ю, бадфеъл бир кимсага айланди-қолди. — Ўша Боёвутдаям кўряпман ука қанақа бўлишини, керак бўлса жонини бериб юборади.

— Энди-и бу шунақаякан... сиз оғир бўлинг.

— Ўзи бошида эркалатиб юборишган, — тоғаси кимлардандир — ўзи зиёратига бораётганлардан домангир бўлаётганини ҳам хоби хотирига келтирмай, боз устига ўзи ҳақидаги гапни эшитмасликка олиб, бу борада зиғирчаям айби йўқлигига қатъий ишонган ҳолда қадамини тезлатди.

Онаси индамади. Нимаям десин? Бу қайсарларнинг икковиям бўй бермас, ўртада боёқиш овора-ю сарсон, унисига гап уқдирмоқчи бўлсаям, бунисига насиҳат қилсаям қўл силташдан бўлак жўяли жавоб ола билмас эди — ҳафсала пир бўлганда шунақа қилиш кераклиги увоқликлардан бўлак бошқаларгаям маълум нарса.

Тўй-маърака, йиғинларда ўзига бирров қараб қўйишлариданоқ Шокарим одамларнинг нима ҳақда гапиришаётганини ҳис этгандек бўлар, ич-ичидан эзилар эди. Унинг тоғаларига айтадиган гаплари ичида йиғилиб ётипти — айтолмайди, отаси, уларнинг ишига аралашма, деган.

Қабристон атрофига ўралган пахса деворлар нураб ётар, исталган жойдан қийинчиликсиз кириб бориш мумкин бўлса-да, унинг темир дарвозасининг қулф осиладиган зулфини сим билан ўраб ташланган эди. Шокаримнинг, мен очаман, деганига қарамай, онаси бу симларни ўзи ечмоқчи бўлиб, кучи етмагач, жойини ўғлига бўшатиб беришга мажбур бўлди.

— Во-ой қурмағурлар-ей, — деди қаршисида сим ўраганларнинг ўзлари туришгандек. — Ер тагидаги ўликларингни биров лаҳадини очиб, елкалаб олиб кетадими, намунча қаттиқ қилиб боғлабсизлар.

Шокарим зулфинни симдан осонлик билан бўшатди. Кейин дарвоза эшикчасини ичкари итариб очиб қўйди.

Чаққонлик билан йўл бошлаган онаси, унинг ортидан тоғаси, охирида Шокарим қабристонга кириб боришди. Қаровсиз маскан. Баҳорда бараавж амал олган ўт-ўланлар ёзнинг иссиғида ҳамма нарсадан ҳафсаласи совугандек қуриб-қовжираган, қабристоннинг умумий руҳига мос келар эди.

Тоғаси қиблага юзланиб, қабр қошида мук тушди. Унинг орқароғида — чап томонда онаси, ўнг томонида Шокарим чўккалашди. Тоғаси Қуръон ўқиб, тиловат қилди.

— Ҳаёт шу экан-да, — деди ўрнидан тургач, чуқур хўрсиниб.

Улар қабристондан чиқишди. Шокарим дарвоза эшикчасини ёпди. Зулфиндаги симни илгари қандай бўлса, шундай ўраб қўйди. Тепаликда қоққан қозиқдек қимир этмай турган одам энди йўқ эди. Тоғаси ўша томонга илкис қараб қўяркан, тепаликни бўш кўриб, негадир бир сесканиб тушгандек бўлди.

Шокаримнинг онаси эса ўша ёққа кўз ташларкан, чуқур хўрсинди.

Чап томондаги тепаликка ўрлаб, изларига қайтишаркан, тоғаси Шокаримнинг мактабни битириб нима қилмоқчи бўлаётгани билан қизиққан эди, унинг ўрнига онаси ҳамма гапни айтиб берди. Тоғаси бошини силкий-силкий, индамай синглисининг гапларини тинглаб, маъқуллаб борарди — чамаси, хаёли ҳамон бошқа ёқда эди.

Кечқурун уйда яна шу мавзуда гап кетди.

— Ўқиб нима қилади? — деди тоғаси. — Йигит киши ишласин, пахта заводида ойлик дуруст. У пахтага эътибор катталигини, белни боғлаб, пешонани танғиб ишлаганлар кам бўлмаслигини, режа бажарилганда кўкламда катта-катта мукофот пули олиши мумкинлигини қанчалик куйиб-пишиб тушунтирмасин, бари бесамар кетди — Шокарим, ўқийман, деди.

— Ҳа-а ўқиса ўқисин, — деди кимга ён беришини билмай сукут сақлаган отаси хулоса ясаб.

— Бўпти-бўпти, — орага кирмаса бўлмаслигини пайқаган тоға вазиятни қўлга олди. — Майли, Тошкентга борсин, фарғоналик бир қўшнимизнинг ўғли селхозда домла, уй-жойиям бор.

— Ана-а! — онаси акасига фахрланаётгандек қараб қўйди. — Тоғангдан қолма!

Бу гап отасига бирмунча малол келса-да, ҳозир буни юзага чиқаришнинг ўрни эмаслигини пайқаб:

— Ҳали уч-тўрт кун меҳмон бўлинг, кейин ўзингиз билла-билла эргаштириб кетасиз, — ҳализамон ўн етти ёш фазилати ҳақидаги гапини унутгандай, қўшиб қўйди. — Ёш бола, ўзи борса ким ҳам назар-писанд қиларди.

— Бир-икки қўйнинг баҳридан ўтасизлар экан-да, — ишшайди тоғаси.

— Ҳа-а, энди-и, қани-и кўрсин-чи... — чайналди отаси.

— Қўй бўлмаса, ўзимнинг йиғиб қўйган чиллаки майизларим, тўқиб қўйган гиламларим бор, сотиб бераман, — фидойилик кўрсатди онаси.

Ўша куни шу билан гап-сўз тугади. Эртаси куни у тоғасининг халта-хуржунини кўтариб, унинг ортидан эргашди. Шу-шу... орадан ўттиз йил ўтиб кетди.

Энди на ота-она, на катта ва кичик тоға — ҳеч ким йўқ. Олам ҳувиллаган. Шунга шунчамиди? Увоқда тепаликлар ўша-ўша. Қабристон ҳам ўша-ўша.

Аммо у...

Кўрпага бош буркаб йиғлади.

— Яна нима бўлди? — хотини уф тортиб, туриб ўтирди.

— Ёлғизман...

— Қўйинг-э, қариганда эсингизни ебсиз! Товба...

Ҳадемай ёлғонтонг отди.

У пайпасланиб ўрнидан тура бошлади. Катта тоғасининг қабри Боёвутда — бемалол бориб-келса бўлади.

— Намозингизни ўқийсизми? — сўради хотини ҳамон хавотири аримай.

— Ҳа.

— Руҳларига дуо қилинг, енгил тортасиз.

У шундай қилди. Кейин жойнамоз устидан туриб, кийина бошлади.

— Ҳа-а дадаси? — ҳайрон бўлди хотини. — Қаёққа?

— Боёвутга.

— Яна командировками?

— Йўқ, тоғамдан хабар олай.

Хотини, қайси тоға, ўлиб кетган-ку демоқчи эди, унинг қандайдир асабий ҳолатини пайқаб индамай кузатиш тараддудига тушди.

У ташқарига чиқди.

— Майли, яхши ўтиринглар.

— Қачон қайтасиз?

— Қарайман.

Зинада "дук-дук" эшитилиб турган қадам товушлари тиниб, сув қуйгандек сукунат чўкди. Аёлнинг хавотири кучайиб, ҳализамон боёқиш эри ташқарига қулоқ тутиб, тепадаги очиқ дарчасидан қоп-қоронғи осмон бағрига сочилган юлдузларга боққан деразага яқин келиб қандайдир ғичирлаб-ғийқиллаб овоз чиқараётгандек туюлган дарахтларнинг мавҳум шарпаларига кўз тикди. Ёлғонтонг ҳадга етиб, яна қоронғи тушган, дув-дув учиб юрган япроқлар тўзони нажот излаётгандек йўлак фонусига ўзларини уриб тўкилаётгани сингари унинг ҳам кифтини қисганча, бўйнини ичига тортиб олган шарпаси лип этиб кўзга ташланди-ю, кейин сим-сиёҳ борлиқ қўйнида сингиди.

Аёл хўрсиниб, ўзини деразадан нари олди.

# АФВ НУРИДИН КЎНГИЛ РАВШАН БЎЛУР

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги арафасида мамлакат тарихида илк бор Президент Шавкат Мирзиёев 2700 нафар судланганларни афв этиш тўғрисидаги фармонни имзолади. Афв этиш тўғрисидаги ҳужжатга мувофиқ судланганлар оиласи бағрига ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланиши учун жамиятга қайтиш имконига эга бўлди. Бу ҳақда Президент "Конституция — эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизнинг янада тараққий этишининг мустаҳкам пойдеворидир" номли маърузаси ҳамда Олий Мажлисга Мурожаатномасида атрофлича фикр юритди.

Мумтоз ва замонавий луғатга оид китобларда *афвга*(арабча сўз) гуноҳдан ўтиш, кечириш, кечирим, узр каби луғавий маъноларни билдириши ёзилган. Тузуклар ва дидактик китобларда *афв* алоҳида фалсафий, диний, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий тушунча ҳамда улуғ фазилат, келажакка башорат эканлиги махсус боб, фаслларда шарҳланган. Шариатда эса *афв* жазони *афв* билан алмаштириш, интиқом олмаслик, узрини қабул қилиш, маломатдан саломат қутулиш деб таъриф берилган. Ижодкорлар бадиий асарларида *афв*ни юксак фазилат, хислат, яхшилик, эзгулик тимсоли, раҳм-шафқатга ундаш сифатида поэтик талқин қилганлар. Бундай поэтик талқиннинг санъаткорона намунасини Алишер Навоий асарларида ҳам ўқиймиз. У "Садди Искандарий" достонининг бир бобини "Афв фазилатидаким..." деб номлаган, *афвни* *"авфу карам"* тарзида қўллаб, ўз тажрибалари асосида "*овора*"ларни кечиришнинг хайри, савоби, офияти тўғрисида шоҳ Искандар образи мисолида ҳукмдорлар ойини, одати эканлигига урғу берган, уларни огоҳликка, шафқатга чақирган ва афвни қўллаган ҳукмдорларни "*Бу нав ўлса кимда карам жавҳари, Бугун улдур офоқ Искандари*", дея шарафлаган, шу ўринда оддий инсонларга ҳам тушунтиришлар беришни унутмаган:

***Биров шаҳлар ичра эрур муҳтарам —***
***Ки, бўлғай анинг даъби афву карам.***
***Ангадур жаҳон аҳлидин фардлиғ —***
***Ки, ойини бўлғай жавонмардлиғ.***

Умуман, ушбу бобни улуғ Навоийнинг *афв* ҳақидаги умидлари ва назариясининг бадиий ифодаси дейиш мумкин.

Улуғ шоир ўз даврининг машҳур мунаққиди сифатида ҳам баъзи ижодкорларга баҳо берар экан, ҳатто уларнинг ижодида ёритилган *афв* борасидаги фикрлари баён этилган байтларга алоҳида эътибор қаратганини, "яхши воқеъ" дея эътироф қилганини кўрамиз. Масалан, "Мажолис ун-нафоис" тазкирасида кўп вақтини "Хамса"га татаббуъ ёзиш билан машғул бўлган шоир Ашраф ҳақидаги "Мавлоно Ашраф" номли фиқрада унинг *афв* ҳақидаги шоҳбайтни алоҳида тилга олганидан воқиф бўламиз: "Афв фазилатида "Хамса"сидин бу байт яхши воқеъ бўлубдурким:

Ба назди касе к-ў ба дониш меҳ аст,
*Зи мужримкуши журмбахши беҳ аст*".

Таржимаси:"*Билимда илғор бўлган шахс қошида гуноҳкорни ўлдиришдан кўра гуноҳидан кечиш афзалроқдир*".

Энди ушбу мавзу юзасидан Алишер Навоийнинг таклифи ва ҳомийлигида ёзилган Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Ахлоқи Муҳсиний"(1495) номли қимматли китобига диққат қилсак. Темурийлар Уйғониш даврининг маҳсули бўлмиш мазкур нодир китобда одобу ахлоққа, сиёсатга, ҳуқуққа тааллуқли қирқта тушунчага, фазилатга, жумладан, *авфга* ҳам алоҳида боб бағишлаган. Асарнинг 16-боби "Афв баёнида" деб номланган ҳамда мазкур бобда *афв* фазилати оят, ҳадис, ҳикмат ва ибратли ривояту ҳикоятлар асосида изоҳлаб берилган, кейин эса шоҳ ва давлат арбобларининг давлат бошқарувидаги машаққатли фаолиятларида, умуман, огоҳ одамларнинг ҳам ўз ҳаётлари давомида амал қилишлари учун нақлий ва ақлий далиллар келтиради, сабоқ беради. Қуйида ушбу боб билан танишасиз.

**Буробия РАЖАБОВА**

## АФВ БАЁНИДА

Афвнинг маъноси қудрати етган ҳолда гуноҳкорга жазо беришни тарк этишдир. Бу сифат Оллоҳ таоло ҳузурида ҳамма сифатлардан фазилатлироқдир. Ҳазрати пайғамбар (с.а.в.) Макка фатҳ бўлган кун ўзи кулфат кўрган Қурайш улуғларини озод қилди ва уларга: "Антум ал-атқо", яъни сизлар озодсизлар, деди ва уларнинг кўнглини афв хушхабари билан озод қилди. Яна уларга деди: "Ла тасриба алайкум ал-йавма"("Юсуф" сураси, 92-оят), яъни "Сизларга бугун ҳеч қандай хавф ва маломат йўқ".

Қитъа:

***Биз одатимизни ҳеч тарк этмасмиз,***
***Яхшилик эшигидин йироқ кетмасмиз.***
***Гар аҳли жаҳон бизга ёмонлиқ қилса,***
***Зинҳор мукофотини кўрсатмасмиз.***

Ҳакимлар айтишича, гуноҳ қанчалик катта бўлса ҳам, кечиришнинг савоби ундан ҳам каттароқдир.

Ҳикоя қилишларича, бир киши араб подшоҳларидан бирининг бир неча қариндошларини ўлдириб қочган эди. Бир неча муддат ўтгандан сўнг ўша киши подшоҳ ҳузурига қайтиб келди. Подшоҳ деди: "Ажаб журъатли киши эконсанки, менинг олдимга шундай катта гуноҳ қилиб туриб, жазолашимдан қўрқмай, олдимга келибсан?". У жавоб бериб деди: "Даргоҳингга қўрқмай келишимнинг сабаби шуки, гарчи гуноҳим катта бўлса ҳам, сенинг афвинг ундан ҳам каттароқдир". Подшоҳга бу сўз ёқди, гуноҳини кечириб, инъомлар берди. Подшоҳ яқинларидан бири сўради: "Эй подшоҳ, шундай душманни қўлга туширдинг, ўч олиш ўрнига ширин сўзига учиб, қўйиб юбординг". Подшоҳ деди: "Ундай эмас, ўйлаб қарадим, агар ўч олсам нафсим шод бўлади, агар кечирсам унинг кўнгли шод бўлади, дунё ва охиратда яхши номга эга бўламан".

Мисра:

***Афв ичра лаззат йўқ ул интиқомда.***

Халифа Маъмун шундай деган экан: "Агар халойиқ уларнинг гуноҳларини кечиришдан қандай лаззат олишимни ва киши гуноҳидан ўтишдан қандай роҳатланишимни билсалар эди, менинг даргоҳимга гуноҳдан ўзга туҳфа билан келмаган бўлар эдилар".

Искандар Арастудан сўради: "Фалон гуноҳкор ҳақида нима дейсан?" Ҳаким жавоб берди: "Эй подшоҳ, агар гуноҳ бўлмаса эди, ҳамма фазилатларнинг улуғи бўлган кечириш хислати ҳеч кишида юз бермаган бўларди. Гуноҳкор кечириш ойнасидир, гуноҳкорлар бу фазилатнинг шу ойнада акс этишига сабаб бўлади. Бу борада мана бу маънони юзага келтиришга ҳаракат қилишинг керак:

***Гуноҳ афву карам кўзгусидир, эй шайх,***
***Гунаҳлиқ элга ҳақорат кўзи бирла қараманг."***

Искандар сўради: "Кечириш қайси пайтда яхшироқ?". Арасту жавоб берди: "Душман устидан ғалаба қилиб, уни қўлингга туширсанг ва қудратинг етган пайтда кечирсанг, зафарнинг шукри бўлади ".

Ҳикоя қилишларича, бир подшоҳ душман устидан ғалаба қозонди ва уни асир қилиб жазога тортди. Подшоҳ душманига деди: "Ўзингни қандай аҳволда кўрмоқдасан?". У жавоб берди: "Худойи таоло афвни яхши кўради, сен эса зафар топишни. Ҳақ таоло сен яхши кўрадиган нарса, яъни зафарни сенга берди, яна Оллоҳ таоло ўзи яхши кўрадиган афвни ҳам берди, сен уни ҳам ишга сол". Подшоҳга бу сўз ёқди ва уни озод қилиб юборди.

Демак, жаҳонгир подшоҳлар гуноҳкордан содир бўлган ёмон ишлар учун уларга жазо беришни кўнгилларидан чиқаришлари ва бу хижолатга қолганлар устидан қудратли бўлганларида уларни афв башорати билан хурсанд қилишлари керак, бу эса мамлакатларни забт этувчи подшоҳлар ва оқил шаҳаншоҳлар одатлари ва йўлларидир.

Байт:

***Даври Одамдин букун давринча улдур расми роҳ,***
***Ким улуғлардин карам бўлмиш,***
***кичиклардин гуноҳ.***

Ҳикоя қилишларича, подшоҳ яқинларидан бири гуноҳ қилган эди. Унда адаб ва танбеҳ беришга қарор қилди. Бир куни подшоҳ ўша гуноҳкор ҳақида бир киши билан маслаҳатлашди. У киши деди: "Эй подшоҳ, агар мен сендек бўлганимда эди, унга жазо берган бўлардим". Подшоҳ унга деди: "Сен мендек эмас эконсан, демак, мен ҳам сендек бўлмасман, балки сенинг аксинг бўламан, мен унинг гуноҳидан кечдим, чунки гуноҳ ундан ёмон кўринса, кечириш мендан яхши кўринади".

Байт:

***Кичиклар ёзуқи гарчи улуғдир,***
***Улуғлар афвидур андин улуғроқ.***

Агар бир киши бировга қарши гуноҳ қилган бўлса, ўйлаб кўриши, агар у Оллоҳнинг афвига муҳтож бўлса, ўша гуноҳкор учун кечиришни дариғ тутмаслик керакки, Оллоҳ таоло унга кечириш эшигини ёпмайди.

Байт:

***Агар Ҳудойи Самад бахшишига кўз тутган,***
***Гуноҳкор гуноҳин карам қилиб афв.***

Ҳикоя қилишларича, подшоҳ бир кишини бир мансабга қўйган эди, ундан ёқимсиз иш содир бўлди. Подшоҳ уни мансабидан маҳрум қилди ва унинг буйруғи билан гуноҳкорни боғлаб олиб келдилар. Подшоҳ ўша бечорага таъна билан хитоб қилган эди, у сўради: "Эй шоҳ, сени ҳам қиёмат куни Оллоҳ таоло ҳузурида ғазаб билан тутишларини ўйла, ўша пайтда сен нимани хоҳлаган бўлардинг?". Подшоҳ: "Оллоҳ таоло гуноҳимни кечиришини сўраган бўлардим", деб жавоб берди. Ўша бечора деди: "Сен агар шуни хоҳлайдиган бўлсанг, мени кечир, чунки Оллоҳ таолонинг кечириши бандага боғлиқ, банда бандани кечирса, Оллоҳ таоло ҳам уни кечиради".

Байт:

***Ман сани олдингда мужрим,***
***сан Худонинг олдида,***
***Афв қил мандинки, сандин ҳам***
***Худо афв айлагай.***

Подшоҳга унинг сўзлари ёқди, гуноҳини кечириб, тарбиятлар қилди ва аввалги мансабини қайтариб берди.



Назм:

***Афв қилмоқ яшироқ хислатдур,***
***Афв қилғон соҳиби давлатдур.***
***Афв нуридин кўнгил равшан бўлур,***
***Бўйидин эл сийнаси гулшан бўлур.***
***Афвни Ҳақ дўст тутмиш, эй сани,***
***Дўст тут, Ҳақ дўст тутқон нарсани.***

Лекин шариатга оид ишда афв қилиш яхши эмас, балки у вақтда қаҳру ғазабдан ўзга иш муносиб эмас.

Қитъа:

***Ҳар гуноҳиким бўлур, ҳукми шариатга хилоф,***
***Қилғулуқ эрмас, ани афв айламак бирла маоф.***
***Балки, ул соатда шаър ичра бу бўлмиш ҳукми Раб,***
***Ким сиёсатгоҳ аро урмоқ керак, чўби адаб.***

### Сўзлар билан сўзлашув

## СЕНДАН САВОЛ СЎРАЙМАН

Қўйлар ҳам ёшига қараб турли хил номлар билан аталади. Қўйнинг эндигина туғилган қўзисини барра деб аташади. Сут эмиб юрган қўзини ширбоз дейишади. "Ширбоз" сўзидаги "шир" "сут" дегани. *"Чиқдим тоғлар бошига, тўйдим ширбоз гўшига"* деб қўшиқ айтади-ку Маҳмуд Намозов. Ширбоздан сўнг қўзи тўқлига айланади. Бир ярим ёшга етмаган, қочирилмаган урғочи қўзини тўқли дейдилар. Бир-икки ёшли қўйни шишак дейишади. Тусоқ қўй деб ҳали қўчқорга яқинлашмаган қўйга айтилган. Тўрт яшар қўйни чориқўй, беш яшарини — панжиқўй деб атайдилар. Ундан катталарини "монғи" дейишса керак.

Энди бу сўзлар умрининг шомини яшаяпти деса бўлади. Чунки камдан-кам ҳолларда уларни "ишга" чақирамиз. "Ширбоз нима-ю, тўқли нима, ҳаммасиям бир қўй-да" деб осонини кўзлаймиз. Ҳолбуки, тилдаги ҳар бир сўз шу тилнинг гражданидир. У яшаши учун тилда ишлаши керак.

"Бу қўйларнинг ёши нечада?" деб савол қўйиб, Эргаш Жуманбулбулнинг момоси Султон кампир ҳақидаги бир ривоят эсимга тушиб кетди. Бу ривоятни адабиётшунос олим Узоқ Жўрақулов "Кавабата – эл одами" мақоласида маромига етказиб ёзган. Шу ривоятни сизга ҳам илингим келди. Эшитинг, қойил қоласиз: "Ривоят қилишларича, Мойлихўжа деган бир қозоқ оқини Жуманбулбул бахши билан куч синашиш учун унинг юртига келади. Тақдир тақозоси билан унга бахшининг ўзи эмас, момоси учраб қолади. Бу Қўрғон достончилик мактабининг йирик вакили, халқ бахшиси Эргаш Жуманбулбулнинг момоси Султон кампир эди. Оқин кампирга салом беради. Қудуқ олдидаги новдан отини суғораётиб, "Бу элнинг одами қандай экан, билай-чи" деб ўйлайди. Кампирни шеърий савол билан синамоқ бўлади:

***Сендан савол сўрайман турган зайил,***
***Ўси турғон товларинг неча яшар?***

Султон кампир унга қуйидагича жавоб беради:

***Худойимнинг ишин кўр,***
***Фалакнинг гардишин кўр,***
***Мен билмайман ёшини,***
***Оғзин очиб тишин кўр.***

Бундай жавобни кутмаган оқин: "Бу элнинг номи чиқмаган аёли шундай чечан бўлса, Жуманбулбули қандай экан...", деб изига қайтиб кетган экан.

## АНҒИЗ ВА АНДИЗ

Баъзан бу икки сўзни алмаштириб юбориш ҳоллари кузатилади. *Анғиз* бошқа, *андиз* бошқа. Ҳатто баъзи хонандаларнинг "Анғиз ўсган ерларда" деб қўшиқ айтишганини эшитганман. Гап шундаки, *анғиз* ўсмайди, *андиз* ўсади. Андиз — кўкатнинг бир тури. Унинг "қора андиз" деган тури ҳам бор.

Маҳмуд Кошғарий андизни "ангдуз" шаклида келтиради.

"*Ангдуз* — ердан қазиб олинадиган ўсимлик илдизи. Отларнинг қорин оғриғига даво қилинади", деб изоҳлайди.

Қадимги даврларда "Андиз бўлса, от ўлмас" деган мақол бўлган. Азим Суюннинг "Андиз ўсган ерларда отлар бевақт ўлмағай..." деб бошланадиган шеъри бор.

Экини ўриб-йиғиб олинган ер, майдон "анғиз" дейилади. Ўрилган экинларнинг далада тиккайиб қолган поясини ҳам "анғиз" дейишган.

## БАРМОҚ ВА ТИРНОҚ

Қўл ва оёқ панжаларини бармоқ деймиз. "Бармоқ" сўзининг ўсимлик новдаси ва пояси, ўлчов маънолари ҳам бўлган.

Арминий Вамбери "бармоқ" сўзини "бормоқ" феълидан дейди. Г.Рамстед бу сўзни мўғул тилидаги "ушламоқ" маъносидаги "бары" феълига боғлайди.

Маҳмуд Кошғарий "бармоқ" сўзини "эрнак" шаклида қўллаган.

Тилимизда "бармоқ" сўзи иштирокида кўплаб ибора ва мақоллар борлиги бу сўзнинг жуда фаол сўз эканлигини кўрсатади. Бу ўринда "Бармоқ орасидан қарайди", "Бармоғини тишлаб қолди", "Беш бармоғини оғзига тиқади", "Икки бармоғини бурнига тиқиб қайтибди", "Бармоғини бигиз қилди" каби иборалар ёки "Бешта бало недан келар, икки бармоқ, тилдан келар", "Кимга бармоқдай, кимга тирноқдай" каби мақолларни эслаб ўтиш жоиз.

Яна бир нарсага эътибор бериш керак, *бармоқ* сўзи иштирокидаги ибора ва мақолларнинг аксарияти баднафслик, очкўзликка қарши қаратилган. Бу бекорга эмас, чунки одам неники олса бармоқ иштирок этади, ҳар нарсага бармоқ билан узалади.

"Бармоқ" сўзининг "барнақ" шакли ҳам қадимда бўлган. Демак, тирнаш маъносидаги "тир" феълидан келиб чиққан "тирноқ" ва "барнақ" сўзларининг ясалиш қолипи бир хил. "Бармоқ" ва "тирноқ" сўзлари ҳамиша бир-бирига ҳар жиҳатдан яқин бўлган.

Болалигимда момоларимиз билан зиёратларга кўп борардим. Ўшанда улар бефарзанд аёлга фарзанд тилаб илтижо қилишса, "Шугинагаям бир тирноқ берингизлар" деб сўрашларини кўп эшитганман. Бу гап менга ёд бўлиб кетган. Қўшнимиз Рўзихол опанинг фарзанди йўқ эди. Кейин мен қайси зиёратга борсам, "Хўшбоқ тоға билан Рўзихол опамга тиноқ берингизлар" деб қайта-қайта сўрашни одат қилганман.

Фарзандни тирноққа ўхшатишда катта маъно бор. Бу рамз "эт билан тирноқ" иборасидан келиб чиққан. Тирноқ эт орасидан ўсиб чиқади, фарзанд ҳам одам вужудида пайдо бўлади. Бу ҳол бармоқдан ўсиб чиққан тирноққа ўхшатилади.

**Эшқобил ШУКУР**

# КАМТАРЛИК БОҒИНИНГ БОҒБОНИ

Азал-азалданоқ ижод аҳлига халқимиз алоҳида меҳр ва ҳурмат билан қараб келган. Зотан, ҳақиқий одоб ва тарбия, билим қалам аҳлининг каломи орқали инсонлар онгига сингади. Тараққиёт қанчалик қулайликлар яратмасин, электрон воситалар нечоғли ривож топмасин журналист қаламининг мавқеи пасайгани йўқ. Чунки журналист ўз халқининг, ўз жамиятининг мисоли кўзгусидир. Унинг ҳароратли сўзлари жаранглаб турса, ҳар қандай касб эгалари орасида фидойилар кўпаяди, янги-янги ихтиролар юзага чиқади. Бу ишончни бизга устозларимиз сингдиришган. Бугун мен севимли касбимда нимагаки эришган бўлсам қадрдон журналистика факултетидаги устозларимнинг заҳматкаш меҳнатидан деб биламан. Бундай азиз муаллимлар сирасидан Ғайбулла Саломов, Талъат Солиҳов, Нажмиддин Комилов, Тилак Жўра каби марҳум устозларни доимо ҳурмат билан ёдга оламиз,



Сайди Умиров, Бойбўта Дўстқораев каби олимларнинг хизматларини қадрлаймиз.

Биз нимаики ўрганган бўлсак, барчаси ишимизда қўл келаётир, бизга қанот бўлаётир. Сабоқлар жараёнида устозларнинг ҳаётий қизиқишларидан ҳам ибрат олардик. Айниқса, таниқли публицист олим Сайди ака Умировнинг кўнгли очиқлиги, самимияти биз учун намуна эди, унинг ижодий келажагимизга чуқур ишончи бизларга куч-ғайрат бағишларди. Сайди ака каби устозларимиздан ўрганган публицистик мушоҳада малакасини, сўз қўллаш маҳоратини эгаллаш, халқ тафаккуридан илҳомлана олиш кейинчалик биз — собиқ талабаларга жуда асқотди.

### Эҳтиром

Университетдаги дарс жараёнларини, факултетдаги ижодий муҳитни эслаганимда Сайди аканинг талабаларга кўрсатган алоҳида ғамхўрлиги, оталарча меҳри кўз ўнгимда намоён бўлади. Бирор газета ёки журналда мақоламизми, шеъримизми чиқса биринчи бўлиб табриклар, улардан олган таассуротини ўртоқлашар, камчилик ва нуқсонларни кўнглимизни оғритмайдиган тарзда айтарди. Мушоараларимиз, ижодий тадбирларимиз устоз иштирокисиз ўтмасди.

Устоздан ўрганишга биз интилган фазилатлардан бири — Сайди аканинг ўз устозларига қайноқ меҳри эди. Хусусан, унинг устози, таниқли таржимашунос олим, профессор Ғайбулла Саломовга эҳтиромини кўп кузатганман, устоз-шогирднинг ўзаро ҳурмат-иззатига ҳавас қилганман. Домла кейинчалик Ғайбулла ака ҳақида "Солланиб оқаётган дарё" номли китоб ёзди, бир ўринда устозини "қалам деҳқони" дея таърифлагани ҳеч ёдимдан чиқмайди. Аслида ушбу таъриф Сайди аканинг ўзига ҳам жуда муносибки, шу пайтгача унинг қаламига мансуб юзлаб мақола, қўлланма ва рисолалар шундан далолат.

Бир ривоятда кўпни кўрган кекса инсон ёш йигитга шундай дейди: "Биз нарса сотиб олганимизда бир оз бойиймиз ва айни пайтда фақирлашамиз ҳам. Лекин фикр алмашганда, бировга ўз билганларимизни ўргатган пайтимизда ҳар иккимизнинг ҳам сармоямиз икки баробарга ортади". Биз Сайди академ муаллимлар қиёфасида билганини қизғанмай ўргатадиган, инсонийликни шарафлайдиган улкан устозни кўрамиз. Зотан, илм шундай хазинаки, ҳар қанча тарқатган билан камайиб қолмайди.

Дарвоқе, Сайди ака бошқа шогирдлари қатори менинг ҳам илмий изланишларимга катта кўмак берди. Ҳисоблаб кўрсам, илмий ишим юзасидан йиллар давомида жами 35 марта мажлисда иштирок этибман. Устозим вақти тиғизлигига қарамай деярли барчасида қатнашиб, иш юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни, танқидий фикрларни ҳам инобатга олиб, менга йўл-йўриқ кўрсатишда ҳеч ҳам оғринмади. Сайди ака каби беғараз устозларнинг холис ёрдами билан сув келса симириб, тош келса кемириб мақсад йўлида машаққат чекишни ўргангандим. Айниқса, уларнинг бегидирлигидан ўзимга ҳам нимадир юққандек. Шунга қувонаман. Бизлар эришган ютуқлардан ўзимиздан ҳам кўпроқ қувонгувчи зотлар улар. Шу маънода бизнинг устозларимиз камтарлик боғининг чинакам боғбонлари, дегим келади.

Ҳазрат Алишер Навоий таъбирича, бир инсон кўнглини топа олиш мисоли "энг катта ҳаж"дир. Сайди Умиров каби фидойи муаллимлар кўнгилларга рағбат бериб яшайдиганлар тоифасидан. Устоз ҳамон ҳузурига келган ҳар бир инсонни меҳр билан эшитади, дарди, муаммоларини тинглайди, ўзининг қимматли фикр-мулоҳазалари билан кўмак беришдан эринмайди. У киши ҳали тетик ва бардам, қалби ҳамон тафаккур ва зарофатга тўла. Буни газета ва журналларда пешма-пеш босилаётган мақолалари, чоп этилаётган китоблари кўрсатиб турибди. Шу маънода биз шогирдлар ғайрату шижоатда ҳамон устоздан хийла ортдамиз. Доимо ана шундай куч, ижодий фаоллик Сизни тарк этмасин, азиз устоз, деймиз.

**Гуландом ТОҒАЕВА,**
**филология фанлари номзоди**

### Адабий-бадиий нашрлар

## "ШАРҚ ЮЛДУЗИ" 2017 йил 11-сон

Журналнинг ушбу сонида навоийлик ижодкорларга кенг ўрин берилган. Навоий вилояти ҳокими Қобилжон Турсуновнинг "Тараққиётнинг янги тўлқини" мақоласида мазкур вилоятда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар, ижодкорлар яратаётган янги асарлар, шаҳар ва қишлоқлардаги бунёдкорликлар ҳақида сўз юритилган.




Таниқли шоирлар Ойдин Ҳожиева, Одил Ҳотамов, Бахриддин Садриддинов ва бир гуруҳ навоийлик ёшларнинг шеърлари, носирлардан Ҳамдам Эшонқулов, Раҳим Қодир, Озод Мустафо ва бошқаларнинг ҳикоялари тақдим этилган.

Шунингдек, ушбу сонда Исажон Султоннинг "Ҳазрати Хизр изидан" номли қиссаси билан танишасиз. Мазкур қисса Швеция пойтахти Стокгольм шаҳрида бўлиб ўтган "Open Eurasia — 2017" танловида ғолиб деб эълон қилинди. "Мулоқот" рукнида берилган Иброҳим Ғафуров билан Хуршид Дўстмуҳаммаднинг суҳбати миллий дунёқараш ва миллий дид тарбияси, юрт ва жамият олдидаги чинакам зиёлининг масъулияти, бурчи каби долзарб масалаларга бағишланган.

Мумтоз ва замонавий адабиёт, фольклор асарлар таҳлилига доир янги тадқиқотлар билан А.Алимбековнинг "Эзгуликка эш кўнгил", А.Қурбоновнинг "Зулф — сўфиёна истилоҳда олам рамзи", Ф.Жабборовнинг "Малика айёр"да ҳаёт дарахти", С.Мелининг "Таҳлил мусиқаси" сингари мақолалари орқали танишасиз. "Унутмас мени боғим" рукнида Пўлат Мўмин ва Амирқул Пўлкан ижодий меросидан намуналар берилган.

**Наврўза РАМАЗОНОВА**

# ЯНГИ ЙИЛ, ЯНГИ РЕЖАЛАР

*Юрагимда театрга ҳақиқий муҳаббатни 9-синфда ўқиб юрган кезларим Муқимий номидаги мусиқали театрда томоша қилганим “Навоий Астрободда” спектакли уйғотган, десам адашмайман. Унгача ҳам бошқа театрларда қатор спектаклларни кўрганман. Лекин ўзбек театр санъатининг дарғаларидан бири, халқ севган санъаткор Раззоқ Ҳамроев ижросидаги буюк мутафаккир Алишер Навоий образи қалбимга муҳрланиб қолган. Ўша пайтдаги саҳна қиёфаси ҳам ҳамон кўз ўнгимда туради. Кейин ҳам бу театрга кўп бордим, қанча-қанча спектаклларни кўрдим: “Нурхон”, “Тошболта ошиқ”, “Олифта”, “Дилафрўзга тўрт ошиқ”, “Ойдинда юрган одамлар”, “Суперқайнона”...*

Албатта, ҳар қандай ижодий жараёнда баланд-пастликлар бўлиб туради. Шу жиҳатдан бу театрни ҳам бошқа театрларда бўлгани каби репертуар танқислиги, томошабин муаммоси каби масалалар четлаб ўтгани йўқ. Лекин мусиқали театр мухлислари ўз театрларига содиқ қолдилар. Айниқса, мазкур даргоҳда жиддий ўзгаришлар, янгиланишлар бошланган бугунги кунда театр зали томошабин билан гавжум. Бунга таниқли режиссёр Аҳад Фармонов саҳналаштирган “Тоҳир ва Зуҳра” спектаклини кўргани борганимда гувоҳ бўлдим. Очиғи, бу асар ҳаммага маълум ва машҳур бўлса, фильми дунё кезиб юрибди, деган хаёлда томошабин кўп бўлмаса керак, деб ўйлагандим. Зал тўлганини, унда ёшлар ҳам кўплигини кўриб ниҳоятда қувондим. Спектаклни бир нафасда, мириқиб томоша қилдим. Ижро ҳам, саҳна безаги ҳам, либослар ҳам меъёрида. Айниқса, театрда иқтидорли ёшларнинг кўпайгани кишини қувонтиради. Яна ҳам дилни яйратадигани театр биноси 1943 йилдан буён биринчи марта капитал таъмирдан чиқарилди. Албатта, ҳали барча ишлар ниҳоясига етмаган бўлса-да, бинонинг умумий кўриниши, фойе, томоша зали ва бошқа жойларнинг безак ишларини кўриб завқланиб кетади одам.



Ўтган йил театр жамоаси учун анча муваффақиятли кечди. Бир вақтлар халқимиз севиб томоша қилган “Лайли ва Мажнун”, “Тоҳир ва Зуҳра” каби спектакллар қайта саҳнага қўйилиб, мухлисларга тақдим этилди. Янги йил арафасида театр актёрлари болаларга “Занжирбанд қорқиз” деб номланган қизиқарли томошани намойиш этишди. Бу ва “Лайли ва Мажнун” спектаклларини театр раҳбари, таниқли санъаткор Мирза Азизов саҳнага қўйган. Қувонарлиси шундаки, 2017 йилнинг энг фаол драматурги сифатида “Эҳтиром” мукофотига сазовор бўлган ёзувчи Қўчқор Норқобилнинг чет элдаги юртдошларимиз тақдири, терроризмнинг аянчли оқибатлари ҳақидаги “Дилдаги доғ” (режиссёр М.Азизов) спектакли Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган “ART — ORDO” халқаро театр фестивалининг бир йўла бир неча юксак мукофотини қўлга киритди. Мазкур спектакль билан жамоа Қорақалпоғистон Республикасининг энг чекка ҳудудларида ҳам ижодий сафарда бўлди.



Ўтган йилнинг янги томошаларидан яна бири Менглибой Муродов асари асосида Мирза Азизов саҳналаштирган “Уйғониш” (композитор Сарвар Юсупов, қўшиқлар матни муаллифи Тўра Мирзо спектаклидир. Мазкур томоша бугунги кун ва ҳаётимизда кечаётган жараёнлар ҳақида. Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, театр жамоаси ўз ташаббуси билан юртимизнинг деярли барча вилоятларида мухлислар билан учрашиб, репертуаридаги энг сара спектаклларни намойиш этди.

Шу кунларда ҳам жамоа театр директори, Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов бошчилигида водий бўйлаб ижодий сафарини давом эттирмоқда. Биз телефон орқали М.Азизов билан шу ҳақда қисқа сўзлашишга муяссар бўлдик:

— Бизнинг водий бўйлаб сафаримиз ўтган йилги учрашувларнинг давоми, десак бўлади. Бу ерда мухлисларга “Дилдаги доғ” ва “Жайдари келин” спектаклларини намойиш этяпмиз. Одамлардаги кўтаринки кайфият, эртанги кунга ишончи бизга ҳам илҳом бағишлаяпти. Жамоамиз Президентимиз ижодкор зиёлилар вакиллари билан бўлган учрашувда театр санъати ходимлари олдига қўйган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ижодий режаларини белгилаб олди. Бу борада дастлабки қадамимиз “Фарҳод ва Ширин” спектаклини саҳналаштириш бўлди. Чет элдаги тажрибали мутахассислар билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида халқаро эътирофга сазовор бўлган таниқли режиссёр Борзу Абдураззоқовни шу ишга жалб этдик. Айни кунларда қизғин иш жараёни кетяпти. Адабиётшунос олим Олимжон Давлатов маслаҳатчи сифатида ижодий гуруҳга ёрдам беряпти. Саҳна безакларини таниқли рассом Бахтиёр Тўраев, либосларни истеъдодли ижодкор Севара Зуннунова тайёрламоқда. Мазкур спектаклни февраль ойи охирларида мухлисларга тақдим қилмоқчимиз. Бу йил томошабинларни яна бошқа янги ва яхши асарлар тақдимоти билан хушнуд этамиз.

Шубҳасиз, театр мухлисларида яхши спектаклларга ҳамиша чанқоқлик бор. Бақувват саҳна асари ва ҳақиқий профессионал ижро ҳеч кимни бефарқ қолдирмаган. Айниқса, бугунги томошабин театрдан ҳозирги кунимиз, фидойи замондошларимиз, юксак инсоний фазилатлар, келажагимиз бўлган ёш авлод ҳақида юксак савияда яратилган спектакллар кутишга ҳақли. Театр жамоасига бу йўлда изланишдан чарчамасликни тилаб қоламиз.

**Г.УМАРОВА**

# ҚИРОАТ ҚИРОЛИ



Қодир Максумов рафиқаси Гавҳар Максумова билан.

“Ажойиб овозингизни радио орқали, ўзингизни эса зангори экранда кўрганман ва эшитганман. Сиз ниҳоятда ажойиб нотиқсиз. Қоғоздаги сатрлар сизнинг овозингиздан жон топиб, қайтадан дунёга келади. Ҳақиқатан ҳам тирилади. Унда шоир ҳиссиёти, орзу-умидлари жўш уради. Сиз эса ҳар бир чиқишингизда уни шеърият мухлисларининг қон-қонига сингдириб юборасиз... Сиз ҳақиқатан ҳам ўзбек Левитанисиз”.




Хўжандлик радио ихлосманди Шарофиддин Раҳмонов мактубидаги бу эътирофлар Ўзбекистон халқ артисти Қодир Мақсумов ҳақида. Машҳур радио сухандонига йўлланган шундай самимий дилномаларни “Ажойиб кишилар ҳаёти” туркумида чоп этилган (“Ўзбекистон” нашриёти) Раҳимбой Жуманиёзовнинг “Тошкентдан гапирамиз” номли хотира китобида ўқийсиз. Соҳир овоз соҳибининг ғойибона мухлисига айланган турли ёш ва касбдаги бу инсонларнинг сухандонлик санъатига қизиқиши кишини ҳайратга солади. Адабий эшиттиришлар маънавият сарчашмасига айлангани, етук сухандонлар ирод этган ижод намуналари, шеър ва ҳикоялар минглаб тингловчилар қалбига йўл топиб, уларни бадиий ижод олами билан ошно этганига амин бўламиз.

“Сиз ўқиган лирик шеърлар менга чексиз ҳузур бахш этади, — деб ёзади қўқонлик радио ихлосманди Раҳмон Ашуров ўз мактубида. — Уларни бошидан охиригача эшитишни сира канда қилмайман. Шоир кўзлаган мақсад шеър ифодали ўқилгандагина эшитувчи учун аниқ гавдаланади, деб ўйлайман. Радио орқали Навоий, Фурқат, Муқимий, Завқий, Нодира ғазалларини ўқиган пайтларингизда магнитафон тасмасига ёзиб олиб, қайта-қайта эшитаман”.

Яхшидан боғ

Китобни варақлар экансиз, Қодир Мақсумовни яқиндан билган дўстлари ва ҳамкасблари, таниқли ижодкорларнинг хотиралари ҳам беихтиёр эътиборингизни тортади. Айниқса, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Ҳамид Ғулом сингари устоз адибларнинг иккинчи жаҳон уруши йиллари, мамлакатимизда радио соҳасининг ривожланиши билан боғлиқ битиклари ўқувчиларни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Бу замондошлари томонидан “Қироат қироли” сифатида эътироф этилган санъаткор, у яшаган давр ҳақида кенг тасаввур беради. Ижодкорнинг радио соҳасидаги узоқ йиллик фаолияти, сухандонлик истеъдодию маҳоратига чуқур назар солиш имконини яратади.

Бу ҳақда устоз адиб Асқад Мухтор шундай ёзади: “Одатда, бир овоз кўп эшитилаверса зериктиради. Лекин Қодир Мақсумов овозига шунчалик ўрганганмизки, радио тинглаганда бутун диққатимиз эшиттирилаётган материалнинг мазмунида бўлади. Дикторни тамоман унутамиз. Бу одамни камтарин, мана шундай номсиз, кўпинча исми эълон қилинмай қоладиган сеҳргар десак, бўлади. Бу сеҳргарликнинг сири нимада? Балки, сири ўзини пеш қилмаслик, ўз овозини пеш қилмасликдадир. Диққатни ўз шахсига, ўзининг санъатига жалб қилмасликда ҳам бўлиши мумкин”.

Қодир Мақсумовнинг асосий фаолияти радио билан боғлиқ бўлганига қарамай, турли соҳа ижодкорлари, айниқса, ёзувчи ва шоирлар билан яқин мулоқотда бўлган. Сухандон томонидан тайёрланган кўплаб адабий эшиттиришлар бу ижодий ҳамкорликнинг самарасига айланди. Адабиётга, санъат оламига бўлган муҳаббат унга илҳом бағишлаб, ўз устида тинимсиз ишлашга, изланишга чорлади. Бу китобдан ўрин олган санъаткор қаламига мансуб шеърлар, хотираларда ҳам ўз аксини топган.

Р.Жуманиёзов Қодир Мақсумовнинг фаолияти мисолида сухандонлик санъати, унинг тарихий илдизлари, назарий ва амалий масалаларига ҳам тўхталиб ўтган. Муаллифнинг ўрта асрлардаги қироат санъати, унинг сухандонлик санъатига таъсири борасидаги мулоҳазалари эътиборга лойиқ. Бир сўз билан айтганда, бу китоб сухандонлик касбини эгаллашни мақсад қилган ёшлар учун қизиқарли маълумотларга бой зарур манба сифатида ҳам хизмат қилиши мумкин.

**А.АВАЗХОНОВ**

# УСТОЗ АДИБНИНГ ТАНБЕҲИ

***1988 йилнинг куз фасли. Тошкентнинг Оқтепа маҳалласида Комилжон ака Баратов билан эрталабки “ош”ни ўтказиб беришга тўғри келди. Тўй эгаси бир хонани бизга ажратиб, эрталаб соат тўртда уйғотаман, деб чиқиб кетди. Ухлаш қаёқда, аччиқ кўк чойни ичиб, суҳбатга берилиб кетдик. Шунда Комилжон ака 1951 йил Самарқандда, қўқонлик дўсти Йўлдошали билан мусиқа билим юртида ўқиб юрган кезларида рўй берган бир воқеани айтиб берганди:***

— Дарсдан чиқиб, тушлик қилиб ўтирувдик. Билим юрти қоровули, оқсоқол амаки олдимизга келиб, эртага кичик набирасининг суннат тўйи бўлаётганини айтди. “Тўй соат олтиларда бошланади, — деди у. — Манзилим жуда осон. Садриддин Айний домла билан бир девор қўшниман. Қийналмасдан осонгина топиб оласизлар. Сизларни кутамиз”. Бордик, тўй кеч тугади. Машина йўқлигидан тўй эгаси бизларга Садриддин Айнийнинг айвонига жой қилдириб қўйибди. Нонушта пайтида устоз ёзувчи ҳам биз билан чой ичаётиб гап бошладилар: “Ҳа болалар, ноннинг қаттиқлигидан тишлар оғриб кетаяптими, юмшоғига ўрганиб қолгансизлар-да. Кеча мен ҳам қўшиқларингизни эшитиб, тишларимни ғижирлатиб, ноиложликдан томоша қилдим. Айниқса, Фузулий, Огаҳий, Навоий ғазалларидаги сўзларни чайнаб ташладинглар. Ҳар бир сўзнинг қадрига етинг. Яхшилаб тушуниб айтсангиз халққа яхши етиб боради. Комилжон, нутқ маданиятингни оширгин. Шунчаки шеър ёдлаб, қўшиқ айтиш — бу бемаъниликдир. Санъаткор бўлишнинг ўзи бўлмайди. Адабий китобларни кўп ўқиш керак. Шу гапларимни эслаб қолинглар”. Кейин Садриддин Айний домла иссиқ нон келтириб, асал, узум, қаймоқ, ёнғоқ, майизлар билан хонтахтани тўлдириб юборди. Дарсдан кеч қолманглар деб, ҳатто дарвозагача кузатиб қолди. Ўқишни тугатиб, Қўқонга қайтгач, ҳаммасини бошдан бошладим. Буюк ёзувчи Садриддин Айнийнинг танбеҳини юрагимга муҳрлаб олдим. Бўш қолдим дегунча китоб ўқидим, ҳар бир ғазалга меҳр қўйиб, тушунишга ҳаракат қилдим. Тушунмаганларимга профессор Лазиз Қаюмов яқиндан ёрдам бериб турарди. Орадан 15 йил ўтди. Радио, телеэкранларда чиқишлар қилдим. Ҳар гал қўшиқ айтганимда домланинг сиймоси кўз ўнгимда пайдо бўлади. Ютуқларимнинг барчасига Садриддин Айнийнинг ўгитлари сабаб бўлди.

Ибрат

Гап қўшиқ устида кетаётган экан, шуни айтишим керакки, бундан ўн йил олдин буюк ҳофизимиз Жўрахон Султонов Алишер Навоийнинг икки байтини яхши тушуна олмагани сабаб Марғилондан Тошкентга келиб, навоийшунос олим Ҳамид Сулаймонни топиб, маъносини сўраган, кейин шу ғазалга куй басталаб қўшиқ айтган ва у радио тасмасига ёздирилган. Яна бир воқеанинг гувоҳи бўлганман. Улуғ бастакор Мутал Бурхонов бир мумтоз лирик қўшиқни айтиш учун Ботир Зокировни танлаган. “Ахир, мен форсчани билмайман-ку, Мутал ака, қанақа бўларкин”, деган Ботир Зокиров. “Қўрқма, барчасини ўзим ўргатаман. Овозингда дард бор, форсча сўзларини бир-бир тушунтириб бораман”, деган композитор. Лоҳутий ғазали билан айтиладиган бу қўшиғи бир йил деганда тайёр бўлди. Ҳозир-чи? Чала куй басталовчилар, ҳатто айрим бастакорлар ҳам саводсиз (қўшиқчи)ларга қўшиқ ёзиб беришмоқда.

1945 йилнинг ўрталарида Наби Ғаниев режиссёрлигида “Тоҳир ва Зуҳра” фильми сурати олинаётганида бирдан иш тўхтаб қолди. Сабаби, Тоҳир Зуҳрани кўргани борганида Зуҳра кўприкни кўтариб олади ва Тоҳир нима қилишни билмай қолади. Наби Ғаниевнинг боши қотади. Шунда атоқли бастакор Тўхтасин Жалиловга қўнғироқ қилиб, бор гапни тушунтириб беради. “Хавотир олманг, Набижон, ҳаммаси жойида бўлади, — дейди санъаткор. — Янгийўл театрининг моҳир қўшиқчиси Абдуллажон Охунов “Эй, қуёш” қўшиғини зўр айтади. Ҳозир театр директорига қўнғироқ қилиб, эртага эрталаб хонандани соат ўнларда радио биносида кутиб ўтиришимизни айтаман”. Ҳақиқатан эртасига А.Охунов соат ўнда радиога келади. Тўхтасин Жалилов раҳбарлигидаги оркестр билан бир соатча машқ қилиб, радиога ёздиришади. Сўнг соат учларда Наби Ғаниевга қўшиқнинг асл нусхаси тегади. Суратга олиш бошланади: “Эй, қуёш, кўрсат юзинг”ни эшитиб турган Зуҳра кўприкни қандай туширганини билмай қолади ва Тоҳир севгилиси ёнига ўтиб боради. Қўшиқ Зуҳрани сеҳрлаб қўйганди. Ана сизга санъатнинг сеҳрли олами! Буларни ёзишимга сабаб, бугунги қўшиқчилик ҳақидаги танқидий мақолаларни ўқиб, 50 йил илгари бўлган айрим воқеаларни эсладим. Зора, айтилганлар ёшларга сабоқ бўлса...

**Анвар ИНОҚОВ,**
**санъатшунос,**
**меҳнат фахрийси**

# КАРМАНА ЮЛДУЗЛАРИ

Зарафшон воҳасининг қадим кентларидан ҳисобланган Навоий вилоятига хос анъаналар, бой маданий мерос олис асрлар билан бўйлашади. Неча минг асрли Оқтов тизмалари этагида жойлашган Нурота тумани бағридан отилиб чиқаётган Нур чашмаси ва Нур қалъаси, қадим “Сармишсой” битиклари бебаҳо бойликлардан садо бериб турибди.

Неча асрлардан буён бу заминда ошиқ бахшиларнинг қўлидан дўмбира тушмайди. Минглаб эртаклар, юзлаб достонлар оғиздан-оғизга ўтиб, термалар тўқилиб, лапар ва яллалар куйлаб келинади. Бугунги кунда ҳам бу гўзал воҳада ўша урф-анъаналар миллий руҳ ва янгича пафос билан авж пардада давом этмоқда. Ана шундай куй-қўшиқлар ижодкорларидан бири — Кармана тумани Маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошида фаолият юритаётган “Кармана юлдузлари” фольклор-этнографик бадиий жамоаси Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг “Эҳтиром” мукофотига сазовор бўлди.




— Бугун жамоа таркибида 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган ишчи-хизматчилар, зиёлилар, фахрийлар ва ёшлар мунтазам фаолият олиб бормоқда, — дейди жамоа раҳбари Холмурод ЖАЛИЛОВ. — Репертуаримиздан Самарқанд-Бухоро мусиқа йўналишига яқин, Кармана ҳудудига хос халқ оғзаки ижоди намуналари, ўлан-лапарлар, рақслар, урф-одатларни акс эттирувчи театрлаштирилган саҳна кўринишлари ўрин олган. Ҳудудда ижро этиб келинган, унутилиб бораётган бир қанча қўшиқ ва рақслар тикланиб, жамоа репертуаридан ўрин эгаллаган.

Бугунги кунда халқ қўшиқларидан “Жўралар”, “Карманамиз қизлари”, “Чилдирма”, “Ҳой, хола”, “Ёр-ёр”, “Навоийда бир қуш бор”, халқ рақсларидан “Енг ўйини”, “Кампир ўйин”, “Қайроқ ўйини”, “Оёқ ўйини”, урф-одат ва маросимларни акс эттирувчи “Гавра бандон”, “Лачак бандон”, “Тушов узди”, “Сарпо пўшон” каби саҳна кўринишлари, “Сумалак сайли”, “Келин салом”, “Бешик тўйи” сингари ҳудудга хос томошалар жамоа репертуарининг асосини ташкил қилади. Жамоа 2002 йили Навоий вилоятида “Наврўз” умумхалқ байрамига бағишлаб ўтказилган фестивалда фаол иштирок этиб, 3-даражали диплом билан тақдирланди. 2010 йили Хоразм вилояти Хива шаҳрида ўтказилган “Асрлар садоси — 2010” анъанавий фестивалида фахрий ёрлиқ ҳамда дипломга сазовор бўлди.

2017 йили “Кармана юлдузлари” фольклор-этнографик ансамблига “Халқ ансамбли” унвони берилди. Ансамбль ўтган йили Бойсун туманида ўтган “Бойсун баҳори” фольклор фестивалида ҳудудга хос номоддий маданий мерос намуналари, халқ оғзаки ижоди, миллий урф-одатларни ўзида акс эттирган дастур билан қатнашиб, 2-ўринни қўлга киритди. Шубҳасиз, ютуқлар, халқ эътирофи жамоани изланишга, янада масъулият билан ижод қилишга, репертуарини янада бойитишга ундамоқда. Зеро, давр шиддати, юртимизда амалга оширилаётган янгиланишлар ҳар бир ижодкордан ёниб яшашни, ёниб ижод қилишни тақозо этади.

**Нилуфар КАРИМОВА,**
**Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази ходими**

# ТИЛ ЧАТОҚ-КУ, “ЛАББАЙ, РАИС?!.”

Қишки таътил кунларини мазмунли ўтказиш ниятида тенгдошларим билан бирга пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги кино саройига йўл олдик. Одатдагидек, бу ер ёшлар билан гавжум эди. Кўзни қамаштирувчи ранг-баранг афишалар билан танишиб чиққанимиздан сўнг тақдимоти ўтказилганига ҳали кўп бўлмаган “Лаббай, Раис” комедиясини томоша қилишга келишдик. Отабек Мирзахолов режиссёрлигида Икром Шодиев сценарийси асосида суратга олинган ушбу фильмда асосий ролларни ёшлар ижро этгани қизиқишимизни янада оширди.

Луқма

Фильм воқеалари хушманзара қишлоқ кўриниши билан бошланди. Гўзал табиат манзаралари, қушларнинг ёқимли хонишию шарқироқ сой мавж уриб оқаётгани томошабинга кўтаринки кайфият бағишлаб турган бир пайтда, экранда спиртли ичимлик истеъмол қилиб ўтирган икки персонаж пайдо бўлди. Бироздан сўнг фильмнинг бош қаҳрамони — Раис келиб “карочи” сўзи билан гапини бошлади. Шунда томоша залида ўтирган мухлислар баланд овозда кулиб юборишди. Ёнимдаги дўстимдан бунинг сабабини сўраганимда актёрларнинг гапириш “услуби” ҳаммани кулдирганини айтди. Бу ҳолат томоша якунига қадар қайтарилиб турди.

Очиғини айтганда, фильм сюжети “Миллион” ва “Дизайн” жамоаларининг концертларидаги ўхшамаган қилиқлар асосида ёзилгандек таассурот қолдирди. Унда юз берган воқеалар фақат кулги уйғотиш учун хизмат қилиб, бирор жиддий ғояни ўзида акс эттирмайди. Айниқса, қаҳрамонларнинг кўча сўзлари, жаргон ва ҳақоратлардан бемалол фойдаланилиши эътироз уйғотади. Актёрлар ҳатто чет тилидаги сўзларни ҳам бузиб талаффуз қилишган. Улуғ бобокалонимиз номи билан аталган кино саройида бундай фильмларнинг намойиш этилаётгани ажабланарли ҳол. Аслида бадиий фильм томошаси ёшларнинг маънавиятини, уларнинг тил бойлигини оширишга хизмат қилиши керак эмасми?!

Президентимизнинг кино соҳаси ижодкорлари билан ўтказган сўнгги учрашувида ҳам бадиий фильмларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилиб, мамлакатимиздаги кинотеатрлар фаолиятини замон талабларига асосан янгидан ташкил этиш лозимлиги таъкидланганди. Бу хайрли иш, аввало, кенг оммага ҳавола этиладиган фильмлар сценарийси, тили, қаҳрамонлар нутқи масаласига жиддий эътибор қаратишдан бошланса тўғри бўларди, деб ўйлаймиз.

**Жамолиддин АБДУЛҲАЕВ,**
**Тошкент Маданият коллежи ўқувчиси**

# АЁЛГА ЭҲТИРОМ

Фарғона вилоят мусиқали драма театрида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, драматург Қўчқор Норқобил ва шоира Хосият Рустамова қаламига мансуб "Азизим, табассум қил ёхуд офтобга яқин зотлар" асари асосида спектакль саҳналаштирилди. Ўтган ҳафтада Ислом Каримов номидаги Фарғона вилоят театр ва концерт саройида мазкур спектакль премераси бўлиб ўтди.

Ўзбек аёлини, опа-сингилларимиз қадрини улуғлашга, уларнинг жамият тараққиётидаги фаоллигини оширишга, оила аталмиш муқаддас қўрғонни асрабавайлашга чорловчи ушбу асар театр бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадсоли Юсупов томонидан саҳналаштирилди.

Асосий ролларни театрнинг иқтидорли актрисалари Дилдора Мирзаева (бош қаҳрамон Маҳзуна), Комила Валиева (Шаҳодат опа), Гулноза Усмонова (Орзигул), Маъмура Раҳимова (Ҳафиза), Шаҳноза Қосимова (Зуҳра), Гуласал Аҳмедова (Лола), Ўзбекистон халқ артисти Ёрқиной Ҳотамова ва бошқалар ижро этишган.

— Бу саҳна асари аёлнинг дарёдек кўнгли, метиндек бардошини, унинг тақдирини, қаҳрамонлигини яна бир бор улуғлаш, томошабинни мулоҳазага чорлаш учун яратилди, — дейди Муҳаммадсоли ЮСУПОВ.

Асарнинг мазмун-моҳиятини тўлақонли очиб беришда, саҳналаштирувчи рассом Фурқат Қўчқоров, пластик ҳаракатлар устаси Воҳид Исманов, мусиқаларни танлаган Саҳобиддин Мамажонов, труппа бошлиғи, декорация раҳбари Раҳмонали Дадажонов, тикув, кийим ва реквизит усталари, пардозчи, ёритиш усталарининг хизмати ҳам муҳим аҳамият касб этган.

**Хуршид СУЛТОНОВ**



**Ўткир РАШИД**

# БОҒЛАРИ БУЛБУЛГА ОШЁН



Шоир, ёзувчи, драматург, адабиётшунос олим Ўткир Рашид 1917 йил декабрда Қўқонда таваллуд топган. 1930 йилнинг бошларида адабиёт майдонига шеърлар билан кириб келган. Ўн тўрт ёшли йигитча оташин шоир Усмон Носир назарига тушган, 1931 йилда Қўқонда чиқадиган "Янги Фарғона" газетасида Ўткир (асл исми Маҳмудхон Рашидов) номи билан туркум шеърлари босилган. Бу тахаллус Усмон Носир томонидан берилган. 1937 йилда Самарқандда биринчи шеърлар тўплами босилиб чиққан. Шундан сўнг бирин-кетин "Шеърлар", "Самарқанд куйлайди" тўпламлари чоп этилган. Бир муддат илм билан машғул бўлиб, филология фанлари номзоди илмий даражасига эришган. Кейин "Гул диёрим", "Келинг, қўшиқ куйлайлик", "Умр қўшиқлари", "Сайланма" китоблари нашр юзини кўрган. Унинг йигирмадан ортиқ шеърий китоби, пьесалар тўпламлари ўқувчилар қўлига етиб борди. Ўткир Рашид "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби" унвони билан тақдирланган.

Яшаётган қўшиқлар

## АЙТАЙИН

**Ғойибона сенга ашъор айтайин,**
**Ахтариб шаънингга гулёр айтайин,**
**Ҳар куни номингни такрор айтайин,**
**Сенга пинҳон бир сўзим бор, айтайин,**
**Айт десанг гар, майли, ошкор айтайин.**

**Соғиниб келсам хиёл, бир боқмадинг,**
**Ўйланиб сурдинг хаёл, бир боқмадинг,**
**Дил куйиб, тил бўлди лол, бир боқмадинг,**
**Сенга пинҳон бир сўзим бор, айтайин,**
**Айт десанг гар, майли, ошкор айтайин.**

**Тонгда кўрсам пахтазор — гулзордасан,**
**Ҳар кўсакка қўл чўзиб нур тортасан,**
**Гоҳи тилда, гоҳ қўшиқ, гоҳ тордасан,**
**Сенга пинҳон бир сўзим бор, айтайин,**
**Айт десанг гар, майли, ошкор айтайин.**

**Элда топдинг катта шуҳрат, катта шон,**
**Бу қўшиқ-куй сенга меҳримдан нишон,**
**Шунча йўлдан сен учун келдим, ишон,**
**Сенга пинҳон бир сўзим бор, айтайин,**
**Айт десанг гар, майли, ошкор айтайин.**

**Тортқилаб ўйнашса гуллар,**
**Рашк қилма ёр, рашк қилма.**
**Гулга ишқингдан бу кўнглим,**
**Ғаш дема ёр, ғаш дема.**

**Гулга ошиқман азалдан,**
**Гул ҳам ошиқдир менга.**
**Ҳамма ошиқ бўлса-ю, мен —**
**Бўлмайин ошиқ нега?**

**Гулга боқсам, гулда кўрдим,**
**Гул ҳаётим нашъасин.**
**Гулларим оғушида мен —**
**Мастман ҳидлаб исин.**

**Мен севиб эккан гулимнинг**
**Садқаю парвонаси.**
**Унга ошиқ мингта бўлса,**
**Мен унинг бир донаси.**

## ЎЙЛАСАМ

**Ёр экансиз, ўйласам,**
**Дилдор экансиз, ўйласам.**
**Жонга ором, яхшиям —**
**Сиз бор экансиз, ўйласам.**

**Сиз ҳаётим боғи-роғи,**
**Сиз кўнгилнинг шамчироғи.**
**Ишқимиз куйида сиз —**
**Бедор экансиз, ўйласам.**

**Бахту тахтим сиз билан,**
**Паймону аҳдим сиз билан.**
**Севги умрин фаслида —**
**Баҳор экансиз, ўйласам.**

**Мендаги жон ўзингиз,**
**Ҳам яхши жонон ўзингиз.**
**Сиз менинг учун ҳар нафас**
**Даркор экансиз, ўйласам.**

**Сизни чин ёр деганман,**
**Яхши ёр топган эканман.**
**Ҳам ую ўйимда сиз —**
**Ҳамкор экансиз, ўйласам.**

## ОНАЛАР

**Сиз оромижон экансиз,**
**Фарзандга дармон экансиз,**
**Бир тану бир жон экансиз,**
**Ғамхўримиз сиз, оналар,**
**Қалб қўримиз сиз, оналар.**

**Ярашасиз хонамизга,**
**Меҳрибонсиз она, бизга,**
**Жонлар фидо бўлсин сизга,**
**Ғамхўримиз сиз, оналар,**
**Қалб қўримиз сиз, оналар.**

**Умримизга қўшиб умр,**
**Дилимизда сиз бир умр,**
**Сизга деймиз минг ташаккур,**
**Ғамхўримиз сиз, оналар,**
**Қалб қўримиз сиз, оналар.**

**Қалбимизда меҳрингиз бор,**
**Меҳригиё сеҳрингиз бор,**
**Бахтимизга она — сиз бор,**
**Ғамхўримиз сиз, оналар,**
**Қалб қўримиз сиз, оналар.**

## ГУЛ ИШҚИ

**Боққа кирсам, боғда гуллар**
**Сочларимдан тортадир.**
**Қанча тортса, қанча юлса,**
**Унга меҳрим ортадир.**

## ЎЗБЕКИСТОН ДЕЙДИЛАР

**Бу гўзал, офтобмисол юрт**
**Ўзбекистон, дейдилар.**
**Бу диёр бағрини роҳат,**
**Боғу бўстон, дейдилар.**

**Боғлари булбулга ошён,**
**Тупроғи олтинга кон.**
**Ранг-баранг сепу чиройи,**
**Элга достон, дейдилар.**

**Тошкент Шарқ машъалидир,**
**Андижон олтин чироқ.**
**Кўҳли Фарғонамни жаннат,**
**Жонга дармон, дейдилар.**

**Илм уйи — кўҳна Самарқанд**
**Ҳам Бухорою қадим.**
**Бойлигин поёни йўқдир,**
**Катта карвон, дейдилар.**

**Қашқадарё, қўшни Сурхон,**
**Сир, Аму сирдош бўлиб,**
**Водийни нурга кўмибди,**
**Чўл нурафшон, дейдилар.**

**Гулга йўғрилган Наманган,**
**Номи машъал Хоразм**
**Бағри кенг Жиззах қучоғи**
**Ҳосилга кон, дейдилар.**

## ЁР ЭТАСАНМУ?

**Эй, севгилим, айт, мен хастани**
**ёр этасанму?**
**Ё хаста бу деб, ишқ йўлида**
**зор этасанму?**

**Диллар туташиб қилган эди**
**аҳд ила паймон,**
**Айт энди дилинг ҳукмини**
**бекор этасанму?**

**Мен дардлиману ишқим мени**
**сенга етаклар,**
**Майли мени қўй, севгини**
**инкор этасанму?**
**Ишқ малҳамидан ташна юрак**
**топса шифосин,**
**Сен энди фироқ дардига**
**дучор этасанму?**

**Жўр бўл, гўзалим, хаста овоз**
**ёринг куйига,**
**Қилмай ё вафо, илк севгини**
**хор этасанму?**

**Эй, севгилим, айт, мен хастани**
**ёр этасанму?**
**Ё хаста бу деб, Ўткирни сен**
**зор этасанму?**

# ЗИЁ МАСКАНИ

*Наманган шаҳридаги "Дўстлик" буюм бозорида "Ёшлар иттифоқи кутубхонаси" иш бошлади.*



Кутубхонанинг очилишига бағишланган маросимда шаҳар жамоатчилиги, ёшлар, китобхонлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ёшлар ташкилоти шаҳар кенгашининг бу борадаги ташаббуси бозор маъмурияти томонидан қўллаб-қувватланиб, ҳудуддаги бинолардан кутубхона учун хона ажратилди ва зиё маскани номига муносиб равишда таъмирланиб, жиҳозлаб берилди.

— Ҳозирча 3 минг нусхадан иборат китоб фондига эга зиё маскани фидойи ёшлар саъй-ҳаракати билан шакллантирилди, — дейди кутубхона мудири Нигора Усмонова. — Яъни, ташкилот фаоллари ва аъзолари ташаббусдан четда турмай, кутубхона учун энг сара адабиётлар намуналаридан туҳфа этди. Эзгуликнинг қаноти бор, деганлари рост экан, шахсий кутубхонасидан китоб келтириб топшираётган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда.

Бозор ичидаги мўъжаз кутубхонада китобхонларга хизмат кўрсатиш тегишли тартиб-қоида асосида йўлга қўйилган. Ихчам стол-стуллар билан жиҳозланган шинам "ўқув зали"да бир вақтнинг ўзида 10 га яқин китобхон мутолаа қилиши учун қулай шароит яратилган.

— Бозорда 300 савдо шохобчаси мавжуд, — дейди "Дўстлик" буюм бозори раҳбари Шуҳрат Эшондадаев. — Ҳар бирида камида икки нафардан тадбиркор фаолият юритади. Бундан ташқари, бозор ишчи-ходимлари билан бирга 700 га яқин кишининг куни шу ерда ўтади. Уларнинг вақт ажратиб атайин кутубхонага бориш имконияти чекланган, чунки бизнесда «Вақт — бу пул» деган қонуният мавжуд. Мана энди, бозордаги тадбиркорларнинг узоққа боришига сира ҳожат йўқ. Ўз маънавий эҳтиёжларини шу ерда таъминлаш имконияти яратилди. Теварак-атрофда яшовчи аҳоли, ёшлар ҳам кутубхона хизматидан фойдаланишлари мумкин.

Ёшлар ташкилотининг мазкур лойиҳаси давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойишида кўзда тутилган эзгу мақсадлар йўлидаги ўзига хос қадамлардан бири бўлди.

**Акрамжон САТТОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ЮРАК ЁНИБ ТУРИШИ КЕРАК

"Ўзбекконцерт" давлат муассасасида Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгашининг 2017 йилдаги фаолияти якунларига бағишланган йиллик анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири ўринбосари О.Назарбеков, Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши раиси, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзаалиев, муассаса директори Одилжон Абдуқаҳҳоров, адабиётшунос олим Шуҳрат Ризаев, Ўзбекистон халқ артистлари Абдуҳошим Исмоилов, Мансур Тошматов ва бошқалар иштирок этишди. Тадбирда маданиятимиз ва санъатимиз, хусусан, қўшиқ санъатида бажарилиши лозим бўлган муҳим вазифалар тўғрисида сўз борди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири ўринбосари Озодбек Назарбеков халқ артистлари клуби фаолияти тўғрисида шундай деди:

— Эътибор бераётган бўлсак, муҳтарам Президентимиз ҳамма соҳада кутилмаган таклиф ва кўрсатмаларни ўртага ташлаяптилар. Айниқса, биз санъат ва маданият соҳаси вакилларига шу қадар ишонч, шу қадар имконият ва шарт-шароитлар яратиб бериляптики, очиғи, кўпчилигимиз буни ҳали тўғри англаб етганимиз йўқ. Агар маданият ва санъат юксалса, ўз-ўзидан бошқа соҳалар ҳам юксалиши табиий. Халқ артистлари клуби бежиз ташкил этилмади. Клубнинг барча аъзолари ҳамжиҳат бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, бирлашсак жуда катта кучмиз. Халқимизнинг маънавиятини, дидини, савиясини кўтара оладиган, ўз ортимиздан эргаштира оладиган қувватга эгамиз. Тўғри, ҳар бир санъаткорнинг ўз "мен"и бўлади. Санъаткор – шахс. Аммо бу ерда шахсий масала эмас, давлат, миллат тақдири, санъат ва маданият тақдири, келажак тақдири турибди. Биз шулар ҳақида қайғуришимиз керак.

Очиғини айтиш керак, клуб ташкил этилганига анча вақт бўлди. Аммо натижа, қилинган амалий ишлар ҳали кўнгилдагидек эмас. Негадир, клуб аъзолари бу ўта жиддий масалага сусткашлик, масъулиятсизлик билан қарамоқдалар. Ташаббус, интилиш, ижод завқи билан юраклари ёнаётган санъаткорларни кўрмаяпмиз. Яқин кунларда клуб аъзолари билан алоҳида йиғилиб, мавжуд масалаларга ойдинлик киритиб олишимиз лозим.

Анжуманда хонандаларнинг фаолият юритишлари учун махсус рухсатнома (лицензия) бериш тартибига ўзгартиришлар киритиш, шу йилдан эътиборан видеоклиплар савиясини баҳолаш ва янада яхшилаш мақсадида Бадиий кенгаш ташкил этиш, хонандаларнинг хорижга чиқиб у ерда концерт дастурини намойиш этиши тартибини тасдиқлаш каби бир қатор муҳим масалалар хусусида сўз борди. Лицензия масаласини қайта кўриб чиқиб, унинг Низомига, Концерт-томоша фаолиятига бир марталик рухсатнома бериш Эксперт комиссияси таркибига ҳам ўзгартириш киритилиши таъкидланди. Хонандалар жонли ижродаги концерт дастури учун ижара тўловидан озод этиладиган бўлди.

Йиғилишда, шунингдек, қатор бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли хулосаларга келинди.

**"Ўзбекконцерт"давлат муассасаси матбуот хизмати**

# САНЪАТШУНОС ХОТИРАЛАРИ

Янги нашрлар







Муштарийларимиз санъатшунослик фанлари доктори Абдували Эгамбердиев номини унинг газетамиз саҳифаларида эълон қилинаётган Ўзбекистон тасвирий санъати намояндалари фаолиятига, рангтасвир ва ҳайкалтарошликнинг долзарб масалаларига бағишланган китоблари ва мақолалари орқали яхши танишади.

Шу йил олимнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида хотира шаклида ёзилган иккита китоби чоп этилди. "Ўтмишни эслаб" номли биринчи китоб уч бўлимдан иборат. Биринчи бобда муаллифнинг болалиги, шахс сифатида шаклланган даври, иккинчи ва учинчи бобларда унинг ижод оламига кириб келиши ҳамда ота-боболари, у вояга етган муҳит ҳақида ҳикоя қилинади. Муҳими, қаламга олинган воқеалар А.Эгамбердиев туғилиб ўсган Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, ҳозирги Бектемир ва Сергели туманларида яшаган юртдошлари ҳаёти билан боғлиқ ҳолда ёритилган. Муаллифнинг ўзи иштирок этган воқеалар баёни ўқувчини беихтиёр уларнинг иштирокчисига айлантиради.

"Сурурли онларим" деб номланган иккинчи китоб тўққиз бобдан иборат. Олим мазкур китобда ўзининг санъатшунос сифатида шаклланишида ёрдам берган омиллар, илм машаққатлари, санъатшунослик мезонлари ва унинг талқини ҳақида фикр юритар экан, ҳаёти ва ижодида из қолдирган В.Зоҳидов, Л.Ремпель, Г.Пугаченкова, Т.Вызго, Ф.Кароматов, Р.Тоқтош каби етук илм намояндаларини ҳурмат билан эслайди. Айниқса, МДҲ ва Европа мамлакатлари етакчи санъатшунос олимларининг Литвада ташкил этилган "Паланга" ижодий гуруҳи йиғилишларининг қатнашчиси сифатидаги хотиралари санъат ихлосмандлари ва мутахассисларни беэътибор қолдирмайди.

"Камолот" нашриётида чоп этилган мазкур китоблар тасвирий санъат ва санъатшунослик масалалари билан шуғулланадиган ҳамда шу соҳаларга қизиқадиганлар учун бой маълумот бериши билан аҳамиятлидир.

**Гулистон ЖЎРАЕВА**

# АДАБИЙ ПОРТРЕТЛАР

Томошага келинг

Адабиёт музейининг кўргазма залида Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи ҳамда Ўзбекистон Қуролли кучлари музейи ҳамкорлигида рассом Иқболжон Илҳомовнинг "Адабий портретлар" деб номланган шахсий кўргазмаси очилди. Кўргазмани Адабиёт музейи директори Ж.Эшонқулов очиб берди. Рассом портретларининг қаҳрамонлари: Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, профессор Умарали Норматов, академиклар Наим Каримов ва Бахтиёр Назаров, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам И.Илҳомов ижоди ҳақида фикр билдириб, мусаввирга ижодий муваффақият тилашди. Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси аъзоси Раҳим Ризамуҳамедов Адабиёт музейида профессор Ҳамид Сулаймон рассомлар учун яратган муҳит ва шароит ҳамда ўша анъаналар И.Илҳомов ижодида қай даражада давом этгани ҳақида гапирди. Кўргазмага келганлар мусаввирнинг йигирмага яқин рангтасвир асари ва бир неча фотосуратларни қизиқиш билан томоша қилишди.

**Бахтиёр ТОИРОВ**

# ЎҚУВ ДАРГОҲИДА АНЖУМАН

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали қошида "Мақом мактаби" ҳамда "Аския мактаби" ташкил этилиши муносабати билан ушбу ўқув даргоҳида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон халқ артисти Шафоат Раҳматуллаева "Мақом мактаби"га, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Жўрахон Пўлатов эса "Аския мактаби"га бадиий раҳбар бўлишди. Қўқон мусиқали драма театри ва Шерали Раҳмонов, Тошпўлат Акбаров раҳбарлигидаги мусиқачилар, хонандалар ҳам ўқув жараёнларида қатнашишга истак билдиришди.

Семинарда Қўқон давлат педагогика институти ўқитувчи ва талабалари, Қўқон мусиқали драма театри жамоаси, филиал жамоаси ва талабалари, "Ёшлар иттифоқи" театр-студияси аъзолари, миллий мақом санъатига қизиқувчи ёшлар иштирок этди. Тадбирда хонандалар Шерали Раҳмонов, Тошпўлат Акбаров, Одина Бегматова, Нилуфар Усмонова, филиал талабалари ва ёшлар вакилларининг мақом йўналишидаги ижролари тингланди. Мансуржон Оқулов, Фозилжон Муллаев, Жамолхон Маматов каби аскиячиларнинг чиқишлари қатнашчиларга хуш кайфият бағишлади.

**Икромжон ҲАБИБЖОНОВ**

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Ўзбекистон давлат консерваторияси жамоаси Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор Салоҳиддин Азизбоевга онаси

**МЕҲРИХОН ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси устави (СТИР 203730564), 2009 йил 5 майда №489 рақам билан Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда 2015 йил 27 мартда №298 рақам билан берилган жамғарманинг рамзи рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: uzas.gzt@mail.ru

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40*
*Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60*

Бош муҳаррир Сирожиддин САЙЙИД

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.*
*Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Азизхон ИМОМОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 23.45

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 5316. Буюртма Г — 182. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6*

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-614X